Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 8 декабрь 1974 йил, якшанба • № 286 (16.066). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ИЖОДКОР ЁШЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани қараб чикди.

Қабул қилинган қарорда айтиладики, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, ижодий союзлар ва ташкилотлар, маданият идоралари ва муассасалари партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалаларига оид карорларини бажара бориб, ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни яхшиладилар. Ижодкор ёшларни ғоявийлик, ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш кучайди, уларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди, сафлари анча ўсди, янги бадиий коллективлар барпо этилди.

Адабиёт ва санъат ёш намояндаларининг ғоявий савияси ва профессионал маҳорати муттасил ўсиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги Бутуниттифоқ ва республика мукофотларига сазовор бўлди. Ёшлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини катта-катта ижодий ютуқлар билан нишонладилар.

Ижодий союзлар, маданият идоралари ва муассасалари, бошланғич партия ташкилотлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги ижодкор ёшлар

(Давоми иккинчи бетда).

СССР—ФРАНЦИЯ: МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН!

Суратда: Совет — Франция ҳужжатларини имзолаш пайти.

(ТАСС телефотоси).

СОВЕТ — ФРАНЦИЯ АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д' Эстэннинг таклифига биноан 1974 йил 4 декабрдан 7 декабргача Францияга амалий визит қилди.

Рамбуйеда бўлиб ўтган суҳбатларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири П. А. Абрасимов, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин;

Франция томонидан — Франция ташқи ишлар министри Ж. Сованьярг, экономика ва молия министри Ж. П. Фуркад, ташқи савдо давлат секретари Н. Сегар, президент маҳкамасининг бош секретари К. Пьер — Броссолет, Франция ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Ж. дэ Курсель, Франциянинг СССРдаги элчиси Ж. Вимон, Франция президентининг маслаҳатчилари Ж. П. Дютэ, К. Гуйу-Бошан, Г. Робен қатнашдилар.

Учрашув Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларга хос бўлган дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди ва иккала мамлакат ўртасидаги иноқлик ва ҳамкорлик сиёсати давомийлигини тасдиқлади, бу сиёсат шу давлатлар ташқи сиёсатининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳамда дунёдаги кескинликни юмшатишни кучайтиришнинг ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим доимий омилидир. Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэн иккала томон сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 1970 йилги протокол ва СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорликнинг 1971 йилги принципларини сингари энг асосий Совет — Франция ҳужжатларига қандай аҳамият бераётганликларини эслатиб ўтдилар.

Томонлар Европадаги вазиятнинг ривожига алоҳида эътибор бердилар. Улар қитъаларнинг шарқ ва ғарбидаги давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши Европанинг халқаро кескинликни юмшатишга ҳисса қўшиш имкониятларини кенгайтираётганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. СССР билан Франция, ўз томонларидан, бундай ривожланишга қулайлик яратиб бериш ва уни рағбатлантириш учун актив куч-ғайрат сарфлай берадилар. Уларнинг фикрича, 1971 йил 3 сентябрдаги тўрт томонлама битим Европадаги вазиятни яхшилашда катта роль ўйнайди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг иши қандай бораётганлиги чуқур анализ қилинди, иккала томон Европадаги кескинликни янада юмшатиш жараёнининг жуда муҳим ҳалқаси бўлган шу кенгашга катта аҳамият бераётганликларини яна бир карра таъкидладилар. Уларнинг фикрича, кенгашнинг муваффақияти Европада ва бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлашга имкон беради. Томонлар Совет Иттифоқи билан Франция, жумладан, ўз муносабатлари тажрибасига таяниб, ўз ташаббуслари билан ва ўзаро маслаҳатлашувлар йўли билан кенгаш ишига қўшган ва ҳамон қўшаётган ҳиссадан мамнунят изҳор этадилар.

Кенгашнинг Женевадаги иккинчи босқичида, жумладан, кейинги ҳафталарда якунловчи ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасида муҳим силжишга эришилганлигини томонлар қайд этишди. Совет Иттифоқи билан Франция Хельсинкида қабул қилинган кун тартиби доирасида ҳамон бир фикрга келиндмаган масалалар ҳусусида бир фикрга келиш ва шу тарика кенгашнинг иккинчи босқичини тугаллаш соҳасидаги кучгайратларни активлаштиришга аҳд қилганликларини билдирадилар.

Улар шуни қайд этадиларки, кенгашни жуда қисқа муддатда тугаллаш учун, унинг учинчи босқичини олий даражада ўтказиш ва якунловчи ҳужжатларни имзолаш учун яхши шарт-шароитлар яратилган.

Суҳбатларда Яқин Шарқдаги аҳвол ҳам муҳокама қилинди. Томонлар Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини инобатга олиш ҳусусида эришилган тараққиётни қайд қилдилар. Уларнинг фикрича, бу ҳуқуқлар БМТнинг тегишли қарорларини бажариш асосида, шу райондаги барча давлатларнинг мустақил яшаш ҳуқуқини ҳурматлаган ҳолда мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Совет Иттифоқи билан Франция Яқин Шарқдаги ҳозирги вазиятдан ташвиш чекмоқдалар, уларнинг фикрича, бу вазият таҳликали хатарларни келтириб чиқарниши мумкин. Томонлар 1967 йилда оккупация қилиб олинган ҳамма территориялардаги Исроил қўшинларини олиб чиқиб кетмай туриб ҳамда райондаги давлатлардан ҳар бирининг хавф-хатарсиз ва эътироф этилган чегараларда яшаш ҳуқуқи тан олинмай туриб масалани одилона ва мустаҳкам тинч ҳал этиб бўлмайди, деб ҳамон ҳисоблашмоқдалар. Шу муносабат билан улар Яқин Шарққа доир Женева сулҳ конференцияси ўз ишини имкони борича тезроқ бошлайди, деб умид изҳор этадилар.

Совет Иттифоқи билан Франция Кипрдаги ҳавфли вазият сақланиб келаётганлиги ҳусусида ташвишланаётганликларини билдирадилар. Улар Кипр масаласини бартараф этишга музокаралар йўли билан эришилиши ҳамда Кипр республикасининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини тўла ҳурмат қилиш, Хавфсизлик Кенгаши билан БМТ Бош ассамблеясининг Кипрга доир қарорларини қатъият билан бажаришга асосланиш лозим, деган фикрга асосланадилар. Совет Иттифоқи билан Франция Кипр республикасидаги барча ажнабий қуролли кучлар тезроқ олиб чиқиб кетилишини ва барча қочқинлар хавфсизлик шароитида ўз юртларига қайтарилишини талаб қиладилар.

Ҳинди-Хитойдаги аҳвол кўриб чиқилди. Совет Иттифоқи билан Франция Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги Париж битимига шу битимни имзолаган ҳамма томонлар қатъий риоя этиши лозим деган фикрни билдирадилар ҳамда Вьентьян битимига ва уни амалга ошириш тўғрисидаги протоколга мувофиқ Лаосда тинчлик ва миллий иноқлик тикланганлиги ҳусусида мамнунлик изҳор қиладилар. Иккала томоннинг фикри шуки, Камбоджа проблемасини Камбоджа халқининг ўзи ажнабийларнинг аралашувисиз бартараф этиши лозим.

Томонлар шуни маълум қиладиларки, куролсизланиш соҳасидаги ўз куч-ғайратларидан кузатилган мақсад самарали халқаро контроль остида ялпи ва тўла куролсизланишга эришишдан иборат, ядро қуролини тарк этиш бунинг энг муҳим қисмидир. Шу руҳда СССР билан Франция куролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси чақирилишини аввалгидек қўллаб чиқадилар. Бунда улар шу конференция инсониятни қурол-яроғларнинг оғир юкидан халос қилиш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин, деган фикрга асосланадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таъсис этиб, унга аъзо бўлган СССР билан Франция шу ташкилот уставининг мақсадлари ва принципларига содиқ бўлиб қолиб, тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлашда бу ташкилот зиммасига юклаган ролнинг муҳимлигини тасдиқлайдилар. Улар ҳамма эътироф этган ва адолатли негизларга асосланган ва ўзининг бутун моҳиятини сақлаб келаётган БМТ уставига садоқатларини ҳам тасдиқлайдилар.

• • •

Томонлар СССР билан Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга жуда муҳим аҳамият бераётганликларини яна бир карра маълум қилдилар. Жумладан, улар дунё проблемалари ҳусусидаги мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ниятида эканликларини таъкидладилар ва бундай маслаҳатлашувларни ҳар қандай даражада, айникса олий даражада ўтказиш Совет—Франция ҳамкорлигининг доимий элементи эканлигини қайд этдилар. Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва Франция Президенти ўзларининг амалий учрашуви СССР билан Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 50 йиллиги билан бир вақтга тўғри келганлигини мамнунлик билан таъкидладилар.

Иккала мамлакат ўртасидаги муҳим негизлардан бири бўлган иқтисодий алоқаларни кўриб чиқишга махсус эътибор берилди. Томонлар 1970 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда товар оборот ўсганлиги, бу эса, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини беш йил ичида икки баравар кўпайтириш тўғрисида 1969 йилда белгиланган мақсаддан ўзиб кетиш имконини берганлиги ҳусусида мамнунлик изҳор қилдилар.

Экономика ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик экономика ва саноат соҳасида ўн йиллик муддатга мўлжалланган Совет—Франция ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан 1973 йил 10 июлда Москвада имзоланган программага мувофиқ ривожланиб бормоқда, шу программанинг аҳамияти яна бир карра таъкидлаб ўтилди. Бу программани амалга ошириш юзасидан иккала мамлакат ўртасида саноат ҳамкорлигининг кенг миқёси лойиҳалари ҳусусида шартномалар тузилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан Франция Президенти 1974 йил 6 декабрда 1975—1979 йиллар мобайнидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимни имзоладилар. Томонлар бу битимга муҳим аҳамият берадилар.

Шу куни кредит бериш тўғрисидаги битим ҳам имзоланди, бу битим келгуси беш йил мобайнида амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш имконини беради.

СССР билан Франция ўртасидаги иқтисодий муносабатлар соҳасида яхши истиқболлар очилганлигига амин бўлиб ҳамда шу муносабатларни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга аҳд қилганликларини изҳор этиб, томонлар Совет —Франция товар оборотини яқин йилларда кўпайтиришнинг янги мақсадларини белгиладилар. Томонлар келгуси беш йил ичида товар оборотини шундан аввалги беш йиллик муддатга нисбатан икки баравар кўпайтиришга ва уни уч баравар кўпайтиришга эришиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқни балансластириб ривожлантиришни таъминлашга қарор бердилар.

Шу руҳда СССР билан Франция ўртасида саноат соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий лойиҳалари, шунингдек энергетика молларини етказиб бериш имкониятлари чуқур кўриб чиқилгандан кейин томонлар ҳамкорликнинг янги лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар. Шу мақсадда экономика ва саноат соҳасидаги Совет—Франция ҳамкорлигини кучайтиришнинг ўн йиллик даврига мўлжалланган программасига доир протокол имзоланиб, иккала томон ўртасида келишиб олинган бир қанча қўшимча лойиҳалар унга киритилди. Совет Иттифоқининг Франция учун қўшимча миқдорда табиий газ етказиб бериши тўғрисида (бу 1980 йилдан бошлаб умуман йилига 4 миллиард куб метр газ экспорт қилишни таъминлайди). Шунингдек СССРга Франциядан тегишли асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги битим имзоланганлиги мамнунлик билан қайд этилди. Тегишли ташкилотлар ўртасида иккита катта шартнома—Франциядан СССРга газ қувурлари етказиб бериш тўғрисида ва СССРда магнитли ўтказувчи ускуналар заводи қуриш тўғрисида шартномалар тузиш ҳусусида бир фикрга келинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Франция Президенти Совет—Франция ҳамкорлигининг янги лойиҳаларини амалга ошириш, чунончи, СССРда глинозем ва альюминий ишлаб чиқарадиган комплексни компенсация асосида қуришда француз фирмаларининг қатнашиши, бу ҳақда манфаатдор томонлар ўртасида тегишли протокол имзоланганлиги алоҳида муҳимлигини қайд этдилар.

СССРдаги фойдали қазилма конларини ишга жумладан, нефть ва газ конларини ўзлаштиришда, атом энергетикаси соҳасида шу жумладан, атом реакторлари ишлаб чиқаришда келиниб олинган шартларда ҳамкорлик қилиш эҳтимоли борлиги, СССРда нефтни қайта ишлаш, химия нефть химияси, енгил ва озиқ овқат саноатининг бир қанча корхоналари қурилиши учун комплекс асбоб-ускуналар, шунингдек электрон техника етказиб бериш ҳам шу лойиҳалар жумласига киради. Худди шунингдек, Франциядаги саноат объектлари учун совет асбоб-ускуналарини етказиб беришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Суҳбатлар давомида иккала мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик ҳусусида батафсил фикрлашиб олинди. Францияда рус тилини ва СССРда француз тилини ўқитишни ривожлантиришга, шунингдек ҳозирги вақтда амалда бўлган илмий ҳамкорлик программаларига алоҳида аҳамият берилаётганлигини иккала томони қайд этди.

Томонлар СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принципларига амал қилиб ўзаро маданий алоқаларни янада кенгайтиришга баҳамжиҳат интилаётганликларини маълум қилдилар. Маданий ҳамкорлик бўйича Совет—Франция доимий аралаш комиссияси иккала томони қизиқтирувчи кенг миқёсдаги маданий алоқаларнинг келгуси икки йилга мўлжалланган программасини ишлаб чиқади, бу комиссиянинг сессияси шу йил 11—12 декабрь кунлари Парижда ўтказилади.

Томонлар фан-техника ҳамкорлигини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. 1966 йил 30 июндаги Совет—Франция битимларига ҳамда фан ва техника соҳасида ҳамкорликни кучайтиришнинг 1973 йил 27 июлдаги ўн йиллик программасига мувофиқ илм-фаннинг кўпгина энг муҳим соҳаларида ҳам фундаментал, ҳам амалий тадқиқотларда жумладан, саноат ҳамкорлигига мўлжалланган алоқалар ва ҳамкорлик амалга оширилади. Шу муносабат билан энергетика проблемаларига, чунончи, атом энергетикасига, юксак энергиялар физикасига, ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга, космоса, океанологияга, атроф-муҳитга, медицинага алоҳида эътибор берилиши лозим.

Томонлар иккала мамлакат қуролли кучлари вакилларининг ўзаро визитларини давом эттириш кераклигини айтдилар. Улар шу дамгача бўлиб ўтган ўзаро визитлар иккала мамлакатнинг қуролли кучларида бир-бирларига нисбатан мавжуд бўлган ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаганлигини уқтириб ўтдилар, шунингдек улар тегишли информацияни бир-бирларига топширишга қандай аҳамият бераётганликларини таъкидладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Франция Президенти ўтказилган фикрлашувлардан ва суҳбатлар дўстона вазиятда ўтганлигидан мамнунлик изҳор қилдилар. Улар амалий учрашувларни давом эттириш зарурлигини яқдиллик билан қайд этдилар.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Франция Президенти В. Жискар д'Эстэнни Совет Иттифоқига расмий визит билан келишга таклиф қилди. Франция Президенти бу таклифни мамнунлик билан қабул этди.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ В. ЖИСКАР д'ЭСТЭН БИЛАН ЯКУНЛОВЧИ СУҲБАТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 7 декабрь куни Франция Президенти В. Жискар д' Эстэн билан якунловчи суҳбат ўтказди. Суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Франция ташқи ишлар министри Ж. Сованьярг иштирок этдилар.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар юзасидан, шу жумладан қуролсизланишга оид баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди.

Олий даражадаги Совет—Франция тўртинчи учрашуви чоғида олиб борилган музокараларнинг умумий якунлари чиқарилди. Шу билан бирга томонлар эришилган конкрет натижаларга юксак баҳо бердилар. Бу конкрет натижалар Совет—Франция якунловчи ахборотида акс эттирилади.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэн бўлиб ўтган суҳбатларнинг ҳаммаси конструктив руҳда ҳамда самимият ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтганлигини мамнунлик билан таъкидладилар.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Ж. МАРШЕ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев 6 декабрь куни Парижда Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше билан суҳбатлашди.

Суҳбат тамом бўлганидан кейин ўртоқларча учрашув бўлиб ўтди ва зиёфат берилди. Учрашув ва зиёфатда совет томонидан шунингдек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети аъзолари П. А. Абрасимов, Н. С. Патоличев, С. В. Червоненко, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари А. М. Александров, Г. А. Жуков, В. В. Загладин, Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов: Франция томонидан: ФКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Р. Леруа, Г. Плиссонье, ФКП Марказий Комитетининг аъзолари Ж. Канапа, Ш. Фитерман ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципи асосида халқаро кескинликни янада юмшатиш мақсадида КПСС Марказий Комитети амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида Франция Компартиясининг раҳбарларига ахборот берди. КПСС Марказий Комитети совет ва француз халқлари ўртасида, СССР билан Франция ўртасида традиция бўлиб қолган дўстликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлиги таъкидланди.

Француз ўртоқлар суҳбат давомида халқларнинг тинчлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт йўлида муваффақиятли кураш олиб боришига имкон бераётган КПСС-нинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини натижаларига юксак баҳо бердилар. Улар ФКП кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик ишига Франциянинг миллий манфаатларига, Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига мос бўлиб тушган муҳим омил сифатида Франция—Совет муносабатларини ривожлантиришга бундан кейин ҳам актив кўмаклашишга қатъий аҳд қилганлигини айтди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС француз коммунистларининг олижаноб, чуқур ватанпарвар ва изчил интернационалистик фаолияти билан қардошларча бирдам эканлигини яна таъкидлади.

Ҳар иккала партия ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик Совет Иттифоқи билан Франция халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантиришга самарали таъсир ўтказаётганлиги уқтирб ўтилди ва ҳар иккала партия бу ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ниятида эканликлари таъкидланди.

Суҳбат ва учрашув самимий дўстлик, бирдамлик, тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ФРАНЦИЯДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 7 декабрь (ТАСС махсус мухбирлари). Франция республикаси Президенти В. Жискар д' Эстэн таклифига биноан амалий визит билан Францияда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бугун Париждан Ватанига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни Орли аэропортида Франция республикасининг Президенти В. Жискар д' Эстэн, Франция бош министри Ж. Ширак, ташқи ишлар министри Ж. Сованьярг, экономика ва молия министри Ж. П. Фуркад, президент маҳкамасининг Бош секретари К. Пьер-Броссолет, Франциянинг СССРдаги элчиси Ж. Вимон кузатиб қолдилар.

СССР ва Франция давлат байроқлари билан безатилган фахрий салон биноси олдидаги учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди. Миллий гвардия оркестри Совет Иттифоқи ва Франция республикаси давлат гимнларини ижро этди.

Фахрий салонга тўпланган кишилар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Франция Президенти В. Жискар д' Эстэнни самимий табрикладилар, уларга гулдасталар тақдим этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири П. А. Абрасимов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. В. Загладин ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневни аэродромда СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, совет элчихонасининг дипломатия ходимлари кузатиб қолдилар.

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ВАЛЕРИ ЖИСКАР д' ЭСТЭН ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИГА

ПАРИЖ, Елисей Саройи.

Президент жаноблари, ажойиб мамлакатингиз билан хайрлашув чоғида бизга кўрсатган илтифотингиз ва меҳмондўстлигингиз учун шахсан ўз номимдан ва барча ўртоқлар номидан сизга самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Учрашувларимиз ва суҳбатларимизни якунлаб, биз Рамбуйеда Совет—Франция дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун яхши негизлар яратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аминманки, келгуси йиллар ҳар икки мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, Европада ва бутун дунёда тинчлик йўлида Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликнинг янада юксалиши билан нишонланади.

Президент жаноблари, Сизга ва бутун француз халқига энг яхши тилаклар ва табриклар йўллайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

«ИЛ-62» самолёти борти,
1974 йил 7 декабрь.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 7 декабрь куни Париждан Москвага қайтиб келди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, В. В. Кузнецов, И. Т. Новиков, Д. С. Павлов, Н. А. Тихонов, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси К. М. Боголюбов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. С. Шапочников кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Л. И. Брежневнинг Францияга қилган сафарида унга ҳамроҳлик қилган расмий кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Москвага қайтиб келдилар.

Аэродромда кутиб олувчилар орасида Франциянинг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Ф. Юссон, Франциянинг СССРдаги элчихонаси дипломатия ходимлари бор эди. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА В. ЖИСКАР д'ЭСТЭННИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

ПАРИЖ, 7 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва Франция Республикасининг Президенти В. Жискар д' Эстэн Л. И. Брежнев Москвага учиб кетиш олдидан совет ва француз журналистлари билан суҳбатлашдилар.

Л. И. Брежнев бундай деди: Рамбуйеда Франция Президенти билан қилган суҳбатларимнинг моҳияти ва аҳамияти сиёсий ва иқтисодий соҳада ҳам, маданият соҳасида ҳам Совет—Франция муносабатларини янада кучайтиришдан иборатдир.

Биз Францияга, деди Л. И. Брежнев, эзгу ниятлар билан келдик ва қилинган иш натижаларидан тўла мамнун ҳолда жўнаб кетмоқдамиз. Айтишим мумкинки, музокаралар яхши ва самарали бўлди. Бу — реалистик ва конструктив музокаралар эди. Бу музокаралар ҳамкиҳатлик, иноқлик ва ҳамкорлик руҳида ўтди. Шу музокараларнинг энг муҳим натижалари Совет—Франция қўшма ҳужжатида қайд қилинди. Бу ҳужжат—ахборот бугун матбуотда эълон қилинади. Учрашувнинг катта аҳамиятга эга бўлганлиги шу ахборотдан тўла даражада кўриниб турибди.

Сўнгра Л. И. Брежнев журналистларга Франция Президенти В. Жискар д'Эстэнни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф этганлигини ва Президент бу таклифни қабул қилганлигини айтди. Совет Иттифоқида Президентга катта илтифот ва меҳмондўстлик кўрсатилади.

Л. И. Брежнев журналистлар билан хайрлаша туриб, визитни ва бўлиб ўтган музокараларни кенг ва объектив ёритганликлари учун уларга ташаккур билдирди.

Франция Президенти В. Жискар д'Эстэн журналистларга мурожаат қилиб бундай деди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва мен уч кун давомида ғоят фойдали музокаралар олиб бордик. Биз жамиики муҳим жаҳон проблемаларини ҳам шунингдек икки томонлама муносабатларнинг асосий масалаларини ҳам кўриб чиқдик. Биз ана шу проблемалар юзасидан қарашларимиз бир-бирига яқин эканлигини таъкидлаб ўта олдик.

Мен аминманки, деди сўнгра у, Л. И. Брежневнинг визити Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга, бу ҳамкорликка ҳар икки мамлакатларимиз манфаатларини кўзлаб, тинчлик иши манфаатларини кўзлаб янги қўлам ҳам бағишлади.

Франция Президенти келгуси йили Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги Л. И. Брежнев таклифини қабул қилганлигини журналистларга айтди.

Мен сизларга шуни айтмоқчиманки, деб давом этди у, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан олиб борилган музокараларнинг самимийлиги, соддалиги ва очиқоралигидан ғоят мамнунман.

В. ЖИСКАР д'ЭСТЭН БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 7 декабрь. (ТАСС). Франция Президенти В. Жискар д' Эстэн КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан олиб борган музокаралари тўғрисида Франция радиоси ва телевидениеси орқали сўзлаб, баёнот берди.

Биз Л. И. Брежнев билан бирга, деди у, умумий қизиқишга сазовор бўлган барча проблемаларни муҳокама қилдик, яъни Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг икки томонлама проблемаларини, шу билан бирга иккала мамлакатларимизга тааллуқли бўлган муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилдик. Биз ана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан бир фикрга келдик.

Икки томонлама проблемалар юзасидан битимлар тузилди. Бу битимлар Франция — Совет иқтисодий ҳамкорлигини анча ривожлантириш негизларига тааллуқлидир. Сизлар биласизки, деди Президент, бу иш билан мен шахсан алоқадорман, чунки бундан 12 йил муқаддам Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг кашшофи бўлган эдим. Мамлакатларимиз йирик саноатга ва катта бир-бирини ўзаро тўлдирадиган воситаларга эгадир, биз эндликда иқтисодий ҳамкорликнинг анча юқори даражасига эришамиз.

РАМБУЙЕ МЭРИГА МИННАТДОРЧИЛИК

РАМБУЙЕ, 7 декабрь. **(ТАСС махсус мухбирлари).** КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Рамбуйе шаҳрининг мэри Жаклинтом-Патенотр хонимга мактуб юборди. Мактубда бундай дейилади: сизнинг шаҳрингиз бизга иккинчи марта самимий меҳмондўстлик кўрсатмоқда. Сизга ва сиз орқали Рамбуйенинг бутун аҳолисига самимий ташаккур билдиришга ҳамда бахт-саодат ва осойишталик тилашга ижозат бергайсиз.

ИЖОДКОР ЁШЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

(Бошы биринчи бетда).

билан шуғулланувчи кенгаш ёш бадиий зиёлиларнинг қар томонлама ўсишига, улар марксизм-ленинизм назариясини, социалистик реализм методини эгаллашига, профессионал маҳоратларини такомиллаштиришларига ижодий меҳнатларида ёрдам кўрсатишга эътиборни оширдилар.

Шу билан бирга Узбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидладики, ёш бадиий зиёлилар билан ишлашда камчиликлар ҳам бор. Бу иш ҳамон мунтазам равишда олиб борилмаётир, бундай ишларни перспектив планлаштиришга тегишли аҳамият берилмаётир. Ижодий коллективлар ва ташкилотларда ёш бадиий зиёлиларни ғоявий тарбиялаш ва профессионал маҳоратини ошириш масалалари камдан-кам кўриб чиқилади.

Ижодкор ёшларни сиёсий руҳда тарбиялаш, ғоявий ва синфий жиҳатдан чиниқтиришнинг ҳамма хилма-хил формаларидан етарли фойдаланилмаяпти. Ижодкор ёшлар кечки марксизм-ленинизм университетлари ва сиёсий ўқишнинг бошқа бўғинларига дуруст жалб этилмаяпти. Партия ва комсомол комитетларининг рахбарлари партиянинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатдаги иқтисодий ва маданий қурилиш, халқни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг роли масалалари юзасидан ижодкор ёшлар олдида камдан-кам чиқмоқдалар.

Ижодий союзлар маданият идоралари ва муассасалари, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги ижодкор ёшлар билан шуғулланувчи кенгаш истеъдодли ёшларни излашга, уларни танлаб тегишли ўқув юртларига, юборишга, бадиий кадрларнинг профессионал маҳоратини оширишга тегишли эътибор бермаяпти. Ёшларнинг турли конкурс ва фестивалларг программаларига юксак талабчанлик қўйилмаяпти. Ёш мутахассисларни малака ошириш институтларига, мамлакатнинг етакчи бадиий коллективларига стажировкадан ўтишга юбориб туриш имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Адабиёт ва санъат таниқли усталарининг ёш ходимларга оталиғи шунингдек ёшларни ижодий союзларга киришга тайёрлаш етарлича ташкил этилмаган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети яна шуларни уқтирадики, республика ва область газеталари «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари, бошқа нашрлар ёш авторлар ижодиётини пропаганда қилиш билан етарлича шуғулланмаяпти. Бадиий ёшлар ижодиётига бағишланган мақола, тақриз ва обзорларни босиб чиқариш ишлари етарлича яхши эмас, ёш авторлар асарларини ва хусусан биринчи китобларини нашр этиш масалалари доимо тўғри ҳал этиляпти, деб бўлмайди. Ёшлар учун, айниқса бадиий олий ўқув юртларини битирган ёшлар учун тегишли маданий-маиший ва уй-жой шароитлари яратишдаги камчиликлар · санъат муассасаларида кадрлар қўнимсизлигини анчагина ошириб юборяпти.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети республика бадиий зиёлиларининг ҳар томонлама ўсишига, муносиб ижодий ўринбосарлар тарбиялашга жуда катта эътибор бериб область, шаҳар, район партия комитетларига, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, Узбекистон ССР Маданият министрлигига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография, телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетларига, республика, область газеталари ва журналларнинг редакцияларига ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни тўбдан яхшилаш юзасидан комплекс тадбирлар планини 1975 йилнинг 1 январигача ишлаб чиқиш ва шу планнинг амалга оширилиши аниқ назорат этиб турилишини таъминлаш вазифасини топширди.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, ижодий союзлар ва ташкилотларга республикадаги тегишли маданият идоралари ва муассасаларининг иштирокида ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни яхшилаш масаласи юзасидан 1975 йилнинг февралида қўшма пленум ўтказиш тавсия этилди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети область шаҳар ва район партия комитетларига ижодий союзлар, маданият органлари, бошланғич партия ташкилотларига рахбарлик даражасини ошириш, уларнинг ижодий ёшлар билан олиб борадиган ишларини перспектив планлаштириш асосида собиткадам ва изчиллик билан ўтказишига қунт билан эришиб бориш вазифасини топширди. Ёш ижодий ходимлар учун марксизм-ленинизм эстетикаси масалалари юзасидан доимий ишловчи семинарлар ташкил этилсин. ёшларнинг сиёсий маориф қамма формаларига тўла жалб этилиш таъминлансин, улар марксизм-ленинизм кечки университетларига кенгрок қўламда жалб этилсин, ёш авторлар ва ижрочиларнинг ижодий кечалари мунтазам равишда ўтказилсин партия комсомол ва совет органлари рахбарлари, фан, адабиёт ва санъат етакчи арбоблари билан ижодий ёшларнинг КПСС ички ва ташқи сиёсати, марксизм-ленинизм эстетикаси, халқни коммунистик руҳда тарбиялашда буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши курашда адабиёт ва санъатнинг роли масалалари юзасидан учрашувлари уюштирилиб борилсин.

Узбекистоннинг ижодий союзлари ва ташкилотларига, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, Узбекистон ССР Маданият министрлигига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография, телевидение ва радио эшиттириш нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетларига бошланғич партия ташкилотларига:

— Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги ижодкор ёшлар билан шуғулланувчи кенгаш ишини яхшилаш;

— Ёш ижодкор ходимларни оталиққа олишни ташкил этиш;

— Республика ва мамлакат етакчи адабиёт ва санъат арбоблари иштироки билан Узбекистон ижодкор ёшлари республика слётларини, ёш адабий-бадиий танқидчиларг конференцияларини мунтазам равишда ўтказиб туриш;

— Республиканинг ёш ижодкор ходимлари ва олий-бадиий ўқув юртларини битириб чиққан талантли ёшларнинг профессионал маҳоратини марказий малака ошириш институтларида, мамлакат етакчи санъат арбоблари рахбарлигида стажировкадан ўтказиб такомиллаштириш планини ишлаб чиқиш. Ишчилар синфи ва колхозчи-деҳқонлар тўғрисида асарлар яратиш учун ёш ёзувчилар, рассомлар, композиторларни меҳнат коллективларига кўпрок юбориб туриш;

— Ижодкор ёшлар учун ўтказилувчи конкурслар системасини тартибга солиш мақсадларида ижодкор ёшларнинг адабиёт, кино, театр, музика санъати. тасвирий санъат, халқ амалий санъати, архитектура ва адабий-бадиий танқид юзасидан республика ва область конкурслари низомини ишлаб чиқиш;

— Ёшларнинг биринчи асарларини рағбатлантириш учун 1975 йилдан бошлаб адабиёт, театр санъати, вокал, музика композицияси, тасвирий санъат, кино санъати ва архитектура юзасидан мукофотлар таъсис этиш:

— Узбекистон ССР Фанлар академиясининг гуманитар фанлар институтлари, Ҳамза номли санъатшунослик институти ва Узбекистон ССР Маданият министрлигининг бадиий-олий ўқув юртлари иштирокида ёш ижодкор ходимларнинг асарларини тақриз қилиш ва кенг оммавий муҳокама этилишини таъминлаш таклиф этилди.

— Узбекистон Компартияси Марказий Комитети адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналларнинг редакцияларига, республика ва область газеталарининг редакцияларига ёш авторлар асарларини, шунингдек ижодий ёшлар конкурсларининг якунлари тўғрисидаги материалларни босиб туриш учун доимий рубрикалар жорий этишни таклиф этди. «Саодат», «Гулистон» «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари ҳар йили битта сонини адабиёт ва санъат ёш намояндалари ижодиётига бағишласин.

1975 йилдан бошлаб ёш адиблар энг яхши асарларининг йиллик тўпламларини нашр этиш уларнинг таржимаи ҳолларини бериб бориш мўлжалланади. Ёш авторларнинг нашр этилувчи асарлари сонини кўпайтириш, шунингдек биринчи асарлари ўз вактида босиб чиқарилишини таъминлаш зарур.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига ёш бадиий зиёлилар ижодиёти пропагандасини кучайтириш, адабиёт ва санъат ёш ходимлари биринчи асарларини эшиттиришни мунтазам равишда ташкил этиш, ёшларнинг конкурс якунларини жамоатчиликка доимо маълум қилиб туриш таклиф этилди. Узбекистон ижодий союзлари, Узбекистон театр жамияти ижодий уйлар, пропаганда бюролари фаолиятини яхшиласинлар, уларнинг ёшлар билан ишлаши планли бўлишини таъминласинлар, ёшларни ижодий союзларга киришга тайёрлаш тубдан яхшилансин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар, район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, Узбекистон ССР Маданият министрлигига, ижодий союзларга ёш маданият ходимлари учун зарур маданий-маиший ва уй-жой шароитларини яратиш юзасидан қўшимча чораларни амалга ошириш вазифаларини топширди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Франция Республикаси Президенти В. Жискар д' Эстэн билан олиб бораётган музокаралари кенг халқаро жамоатчилик ҳамда оммавий информация воситаларининг диққат марказида турибди. Матбуот олий даражадаги навбатдаги Совет — Франция амалий учрашуви ижобий, ишчанлик вазиятида ўтаётганлигини таъкидламоқда. Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэннинг Рамбуйедаги зиёфатда сўзлаган нутқларини эълон қилмоқда ва шарҳламоқда.

Олий даражадаги Франция—Совет музокараларининг биринчи куниёқ ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда кўпгина проблемаларни ўрганиш ва бир қатор муҳим соҳаларни батафсил кўздан кечириш имкониятларини берди. деб ёзади Париждаги «Юманите «газетаси. Газета Л. И. Брежневнинг зиёфатда сўзлаган нутқига тўхталиб, биргаликда қилинган ҳаракат ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратиш имкониятини берганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг айтган гапларини таъкидлаб ўтади.

Франциянинг мўътабар савдосаноат доиралари фикрини ифодаловчи «Эко» газетаси Рамбуйедаги музокараларда кўп соҳаларда яна силжишга эришиш мўлжалланмоқда, деб ёзди

Франция тинчлик учун кураш ҳаракатининг секретариати Парижда баёнот эълон қилиб, Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэннинг музокаларини табриклади. «Франция тинчлик учун кураш ҳаракати. бу амалий учрашув Европада ҳавфсизлик проблемасини ҳал этишга, қуролсизланиш ва ҳамкорликка ижобий ҳисса қўшишини истайди». — дейилади баёнотда. Франция матбуоти сиёсий ва иқтисодий тузумлари турлича бўлган мамлакатлар ўртасида карор топиши мумкин бўлган дўстлик алоқалари, ҳамжиҳатлик ва актив ҳамкорлик намунасини французлар ва совет кишилари амалда кўрсатдилар деб Франция Президенти В Жискар д' Эстэн айтган гапларни шарҳламоқда.

СССР билан Франция рахбарлари ҳамжиҳатлик ва самимият вазиятида музокара олиб бормоқдалар. деб ёзади «Нойес дойчланд» газетаси (ГДР). Газета учрашув иштирокчилари Совет—Франция муносабатларига доир бир қанча муҳим масалаларни қараб чиққанликларини хабар беради. Газета Рамбуйедаги зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқини шарҳлаб, Совет Иттифоқи халқаро ишларда ҳар иккала мамлакатнинг биргаликдаги ҳаракат доирасини кенгайтиришни шу учрашувнинг энг муҳим мақсадларидан бири деб ҳисоблаганлигини уқтириб ўтади.

Чехословакиянинг «Лидова демократие» газетаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг жуда кенг дипломатик программаси КПСС XXIV съезди қарорларини, съезд илгари сурган тинчлик программасини амалга оширишга қаратилган сает ташки сиёсатининг ҳормай-толмай сарфлаётган кучғайратидан равшан далолат бермоқда, деб таъкидлайди.

Болгариядаги «Работническо дело» газетаси Рамбуйедаги музокаралари «тинчлик манфаатлари йўлидаги учрашув» деб атайди. Газета КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити СССР билан Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатлар соҳасида ҳам, шунингдек бир қанча халқаро масалалар соҳасида ҳам улар ўртасида ҳамкорликни яна ривожлантиришга қўшилган хиссадир. деб таъкидлайди.

Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити тинчлик ва ҳамкорлик миссиясидир, деб ёзади Монголиядаги «Унэн» газетаси. Л. И. Брежнев билан В. Жискар д' Эстэннинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи билан Франция ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда ҳавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ўзаро яхши қўшничилик муносабатларини ва ҳамкорликни янада кучайтириш истаги билан тўлибтошган. деб уктириб ўтади газета

Американинг «Балтимор сан» газетаси Л. И. Брежневнинг Рамбуйедаги зиёфатда сўзлаган нутқини батафсил баён этиб ва шарҳлаб, якинда Владивосток районида олий даражада бўлиб ўтган Совет—Америка учрашувига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ижобий баҳо берганлигини таъкидлайди.

Рамбуйедаги музокараларда, деб ёзади Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва Франция Президенти ҳар иккала мамлакат энг асосий Совет — Француз ҳужжатларини — СССР билан Франция ўртасида ҳамкорлик принципларини ва сиёсий маслаҳатлашув тўғрисидаги протоколни кеч сўзсиз амалга оширишга катта аҳамият беришларини таъкидлаб ўтганликларини уқтиради. (ТАСС).

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Капиталистик тараққиёт йўлидан воз кечган давлатлар чет эл банклари ва монополияларнинг таъсиридан ҳоли миллий экономикани ривожлантиришдан асосий вазифани ҳал этяптилар. Декабрь бошларида ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина рахбарлари ўз давлатларида иқтисодий ўзгаришлар ўтказишга яна бир бор даъват этдилар.

Дагомеяда президент М. Кереку эълон этган экономикада катта ўзгаришлар программаси амалга оширила бошланди.

Миллий революцион кенгаш Сиёсий бюросининг қарорига биноан мамлакатнинг асосий банклари — Дагомея банк жамияти билан Дагомея тараққиёт банки устидан давлат назорати ўрнатилди. Бундан буён мамлакатдаги ҳамма страхование операциялари тузилаётган миллий страхование жамияти орқали бажарилади. Транзит юк ташиш ҳам ажнабийлар назоратидан олиниб, Дагомея миллатига мансуб кишилар қўлига берилади

Дагомея билан ташни дунё ўртасида телеграф алоқасини амалга ошириб турган «Франсканбльрадио» компанияси ҳам давлат назоратига ўтади.

Сомали Олий революцион кенгашининг президенти Муҳаммад Сиад Барре Халандаги олий миллий мактаб битирувчилари ҳузурида гапириб, ҳозирги пайтда Сомали халки олдида турган асосий вазифа миллий экономикани ривожлантиришдан иборатдир, деди. Сомали ёшлари мамлакат экономикасини юксалтиришга катта ҳисса қўшяптилар, деди у.

Кения президенти Жомо Кениата Накур шаҳрида бўлган митингда сўзлаб, иқтисодий мустақилликсиз сиёсий озодлик ҳеч нарсага арзимайди, деди. Биз иқтисодий барқарорликка эришмас эканмиз, Кения экономикаси унинг гражданлари қўлига ўтмас экан, ўзимизни эркин ҳис қилолмаймиз, деди президент.

Аргентина ҳукумати мамлакатда нефть ва нефть маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тармоқлари яқинда давлат тасарруфига ўтказилганлигига қарши чет эл компанияларининг даъволарини рад этди. Телам расмий информация агентлигининг ахборотида айтилишича, ҳукумат жамики нефть маҳсулотларини давлат «Ясимьентоз Петролиферос Фискалес» нефть компанияси орқали сотиш ниятида эканлигини таъкидлади.

ТАСС).

ЖИНОЯТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИ ЧИЛИДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

Чилидаги «Чакабуко» қамоқхонасидаги маҳбусларнинг аҳволи кун сайин ёмонлашмоқда. Халқаро журналистлар ташкилотининг делегацияси тўккиз кун Чилида бўлгач ана шу ҳақда хабар килди. Оила аъзоларига камоқхонадаги ўз кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга рухсат берилмайди. Сахрода жойлашган маҳбуслар қаровсизлиги июнь ойидан бери электр чироғи йўқ. «Чакабуко»га қамалган 500 дан зиёд киши орасида тўккиз журналист ҳам бор. Улар бундан 13 ой аввал бу ерга ҳеч қандай айбсиз холда олиб келинган.

Халқаро журналистлар ташкилоти делегацияси 1973 йил 11 сентябрдаги фашистлар тўдаси исёнидан буён тўккиз журналист ўлдирилганлиги хусусида ташкилотнинг Прагадаги Бош секретариатига маълумот берган. Шу йилнинг 15 сентябрида яширин фашистлар хизмати аъзолари журналист ва ёзувчи Максим Гейнони қаттик азоблашган. Хозирга қадар 50 журналист хунтанинг қамоқхоналарида ушлаб турилибди, лекин улардан 25 кишининг қаерга қамалгани маълум эмас.

Халқаро журналистлар ташкилоти делегациясининг маълумотига кўра, 400 журналист ўз ихтисослиги бўйича иш топа олмаяпти, уларнинг ҳаммаси қолган илғор қалам аҳли сингари «кора рўйхат»да. Бунинг устига ишсизлар сони мамлакатда ўсиб бормоқда. Чили университетининг расмий маълумотларига кўра, фақатгина Сантьяго шаҳрида шу йилнинг июнида 124.500 киши ишсиз эди.

Лекин хунтанинг ёвузликларига қарамай, антифашистлар ҳаракати кенгайиб бормоқда. Чили Коммунистик партияси томонидан чиқарилаётган «Фашизмга қарши бирлик» газетасининг 14 сони жуда ҳам оғир шароитларда босилди. Делегациянинг маълумотига кўра, харбий қамоқхоналардаги маҳбуслар норозилик намойишларини ўтказиб туришибди. «Риток» қамоқхонасидаги кишилар бевафо этган чилилик буюк шоир Пабло Неруданинг хотирасини ёд этдилар. Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан, Социалистик партиянинг рахбарларидан бири Клодомиро Альмейда, Радикал партия рахбари Ансельмо Суле ҳам «Риток» қамоқхонасида ётганлиги маълум бўлди.

(АПН).

ПЕКИНЧАСИГА ЎЗАРО ФОЙДА

Пекинда Австралия савдо кўргазмаси ўз ишини тамомлади. Улари учун анча фойдали бўлган битимларга кўл қўйган хитой савдогарлари камёнлари қаппайганидан хурсанд. Кўргазма эгалари эса мезбонларнинг «меҳмондўстлиги»дан ҳамон ўзларига келишаолмаяпти.

Австралиянинг иккита чорвачилик компанияси Пекинга зотли қўйлардан олиб келишганди. Бир тўда хитой мутахассислари уларни дархол ўраб олишди. Улар майин жунли қўйларни силабсийпашга тушишди. қайратланиб тилларини такиллатишди. Мулойимлик билан баҳосини сўрашди, «320 минг доллар» деган жавобни эшитиб, тилларини янада каттикрок такиллатишди. Қўйларнинг баҳоси уларга маъкул тушмагани кўриниб турарди.

Кўргазма ишлари айни қизиган пайтда Австралия бош министрининг ўринбосари Жеймс Кэрнс Пекинга келди. Ана шунда австралияликлар мезбонларга тузукрок совға тоғиришга кераклигини ўйлаб қолишди. Уларнинг эсларига хитойларга ёкиб қолган қўйлар тушди. «Бундан яхширок совға бўлмаса керак» деб ўйлашди улар.

Эртасига маочи матбуот австралияликларнинг саховати ҳақида бутун дунёга жар солди. Бу совға хитой газеталарида «австралияликларнинг хитой халкига дўстлик туйғусининг кўринишиа» деб баҳоланди. Ўша куниёқ Австралия коммерсантлари қуйидаги мазмунда хат олишди: «Совгаларингиз учун ташаккур изҳор этиб. айни пайтда баъзи арзимас чиқимлардан сизларни хабардор қилишни лозим топдик:

«Қўйларни коммуна территориясига олиб келганлигингиз учун ўн минг доллар

ўша қўйларга қурилган қўралар учун минг доллар;

қўйларни боғлаш учун ишлатилган арқонлар учун 550 доллар тўлашингиз керак». Шу тарика австралияликлар хитойлар учун берган совғалари эвазига жами ўн беш минг доллардан зиёд ҳақ тўлашлари лозимлиги айтилган эди. Хатнинг охирида тўловлардан сўнг арқонлар хитой чорвадорларига доимий фойдаланиш учун қолдирилиши ҳам илова қилинган эди

Австралияликларнинг жиғибийрон бўлишлари бехуда эди. Халқаро савдонинг маоча қоидаларини анча яхши тушуниб қолган ғарбдаги мамлакатларнинг савдогарлари бу воқеадан сира ҳам ҳайратланмадилар. Масалан, бу йил ёзда швейцарияликларга Хитой Халқ Республикасида очилган ўз кўргазмалари олдига ўрнатилган флаштогдан фойдаланганликлари учун 600 доллар тўлашга тўғри келди Ғарбдаги бошқа бир мамлакатнинг коммерсантлари мезбонлардан прокатга холодильник олишганида уларни тер босди. Чунки, хитойлар прокат учун янги рефрижератор баҳосидан ҳам ошикрок пул сўрашган эди. Бу ерда меҳмонларнинг келиши учун ёзилган поёндоз эвазига меҳмонларнинг ўзидан минглаб доллар ҳақ олинмоқда. Пекинда жойлашган хорижий компания вакилларидан бири билан бўлиб ўтган воқеа бу ердагиларнинг ҳамон эсида. Ўшанда у хитойлардан кичик бир кабул уюштиришни илтимос қилган эди. Хитойлар ундан шу қадар катта ҳақ сўрашдики мазкур компания вакилининг томоғига суяк тиқилгандай бўлди.

Кўпни кўрган кишилар Пекинда ҳукм сураётган тартиблардан ҳайратланмай «ўйишди Бу ерда имкони бўлди дегунча бор-будингизни шилиб олишга ҳаракат қилишади. Пекин сизнинг ёрдамингиздан манфаатдор бўлса ҳам шундай қилишади. Бунинг учун австралияликлар билан бўлган совға воқеасини эслаш кифоя

Лекин буларнинг ҳаммаси Пекинда Италия автомобилсозлик фирмаси билан юз берган воқеа олдида ип эшолмайди. Хитойлар бу фирмадан 20 миллион долларга якин баҳода самосваллар сотиб олишди. Битимни имзолаш олдидан эса инструкцияни хитой тилига таржима қилишни талаб этишди. Итальянларда бундай мутахассис йўк эди. Майли дейишди хитойлар ўзимиз таржима қиламиз. Кейин эса ўттиз минг долларга счет юборишди.

Якинда Канаданинг «Глоб энд мейл» газетасининг Пекиндаги мухбири Жон Бернс канадалик газетхонларни бундан хабардор килди. Хитойларнинг «меҳмондўстлиги» деб ёзади у, Ғарбдаги бизнесменларнинг жигига тегмоқда. ХХРдаги ишларнинг умумий аҳволидан уларнинг хафсаласи бутунлай пир бўлмоқда. Бизга ёрдам беришга келдингизми, марҳамат қилиб ҳакини тўлаб қўйинг — Пекиндагилар ўзаро манфаатли фойдани ана шундай тушунишади

А. ПАЛЛАДИН.
(АПН).

«СОЮЗ—16» УЧМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 декабрь, (ТАСС). «Союз-16» космик кемаси ҳамон учмоқда. Кема Москва вақти билан соат 12 гача ер атрофини 81 марта айланиб чикди.

Космонавтлар А. В. Филипченко ва Н. Н. Рукавишников учиш чоғида туташтирувчи агрегат автомат системалари ва айрим узелларини синашни давом эттирдилар. биологик экспериментлар ўтказдилар.

68- ва 69-айланишларда узунлиги 30 минг километрга якин трассада кутбланган ёруғликда кундузи уфқ манзарасининг фотосурати олинди. Космонавтлар келгусида биргалашиб учиш чоғида ўтказиладиган «сунъий қуёш тутилиши» эксперименти учун асосий ускуна элементларини реал космик учиш шароитларида текшириб кўриш мақсадида юлдузли осмоннинг танлаб олинган участкасини фотосуратга тушиردилар.

Кема экипажи ерга тушишга тайёргарлик кўра бошлади. Бошқариш, энергия билан таъминлаш системалари, мотор установкалар текшириб чиқиляпти илмий-тадқиқот материалларини қайтаришга тайёрлаяпмоқда. Учиш программасига мувофик бўлмаларги босим симоб устунининг 760 миллиметрига кадар кўтарилди.

Кеманинг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди. А. В. Филипченко ва Н. Н Рукавишниковнинг сиҳат-саломатликлари яхши, шунингдек улар ўзларини яхши ҳис килмоқдалар. Учиш давом этмоқда.

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

САМАРҚАНД 7 декабрь. (ЎзТАГ). Москва шаҳар Советининг таклифига биноан Белград шаҳар скупшчинасининг раиси Ж. Ковачевич бошчилигидаги шу скупшчина делегацияси Узбекистон билан танишувни давом эттирмоқда. Бугун делегация аъзолари Самарқандга келдилар. Улар архитектура ёдгорликларини, шаҳарнинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

Шу куни югославиялик меҳмонлар Тошкентга қайтиб келдилар. Белград шаҳар скупшчинасининг делегацияси шарафига Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов номидан ўрток лик зиёфати берилди.

ПЕШҚАДАМЛАР РАПОРТИ

ТЎРТ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри ўртоқ Б. МИРЗАБЕКОВ шарҳи

Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлигидан редакцияга қўнғироқ қилиб қолишди: «Министрлигимиз корхоналари коллективлари тўрт йиллик планни бажарди». «Совет Ўзбекистони» мухбири министрга қўнғироқ қилиб, шу янгиликни шарҳлаб беришни сўради.

— Министрлигимиз корхоналари коллективлари КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 26 октябрда тўққизинчи беш йиллик тўрт йили топшириқларини муваффақиятли адо этдилар. Бу йилги ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 137,7 процент қилиб белгиланганди. Ғайрат билан ишлаш натижасида корхоналаримиз меҳнаткашлари бу кўрсаткични 144,6 процент қилиб бажаришга эришдилар.

Шу давр ичида 696 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил охиригача плондан ташқари қариб 38 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Ўртача йиллик юксалиш плондаги 8,3 процент ўрнига 9,7 процентни ташкил қилди. Меҳнат унумдорлиги беш йиллик планда кўзда тутилганидан 5,1 процент ортди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ министрлигимизнинг йигирмадан ортиқ корхонаси тўрт йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Улар орасида Оҳангарон сопол буюмлар комбинати, Оҳангарон цемент, «Сантехлит» заводлари, «Стройпластмас» комбинати, Ғазалкент тош майдалаш комбинати, 3, 5-ғишт заводлари бошқармалари, Тошкент бинокорлик материаллари комбинати ва бошқа корхоналар бор. Ўтган тўрт йил мобайнида республика партия ва ҳукуматининг ҳақиқат берган ёрдами натижасида қатор корхоналар реконструкция қилинди, республика маблағлари ҳисобига «янги корхоналар бунёд этилди. Натижада 1974 йилнинг ўзида 1970 йилдагига қараганда мармар ҳамда гранит ишлаб чиқариш 2,6 баравар, цемент тайёрлаш 280 минг тонна, асбоцемент қувурлар ишлаб чиқариш 900 километр ортди.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги декабрь Пленуми қарорларини бажара бориб, корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшиладилар, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Цемент, оҳак, ганч, сопол плиталар, дренаж қувурлари, мармар ҳамда гранитдан пардозбоп плиталар, дераза ойналари ва бошқа хил буюмлар ишлаб чиқариш қувватлари деярли тўла ўзлаштирилди. Шу давр ичида бинокорлик материалларининг 28 та янги хилини тайёрлаш йўлга қўйилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Натижада Оҳангарон комбинатининг сульфат моддалаоига бардошли цементи ва Оҳангарон сопол буюмлар комбинатининг етти хил маҳсулотига Давлат сифат белгиси берилди.

Сермеҳнат иш, жараёнларини автоматлаш ва механизациялашга алоҳида эътибор бериляпти. Деворбоп материаллар тайёрлаш корхоналарида 30 та автомат ўрнатилди ва улар юқори қувват билан ишлаб турибди. Айланма печлар ўрнига цемент корхоналарида 12 та туннель печлари ўрнатилди. Министрлик корхоналарида энди шундай печлардан 30 таси ишлаб турибди. Тўрт йил мобайнида фойда олиш плани 6,3 процент орттириб бажарилди. Планга қўшимча кўрилган фойда 5,34 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Б, йил қатор янги корхоналар ишга туширилди. Поп «Узбеккровля» комбинати тўла фойдаланишга топширилди, Фарғона шиша буюмлар заводининг биринчи навбати маҳсулот тайёрлаб чиқармоқда. Ҳозир Жиззах оҳак заводида иккинчи технология линиясини ишга туширишга ҳозирлик кўриляпти. У йилига 80 минг тонна оҳак тайёрлаш қувватига эга. Оҳангарон сопол буюмлар комбинатида пардозбоп плиталар тайёрловчи янги технология линияси ишга тушиш арафасида. Бу ерда йилига 400 минг квадрат метр сопол плиталар тайёрлаш мумкин. Министрлик корхоналари тезда ишга туширилиадиган корхоналар қурилишига материаллар етказиб беришни жадаллаштиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Ғазалкент тош майдалаш комбинати, Ғозғон мармар карьери бошқармаси, Оҳангарон сопол буюмлар комбинати коллективлари бинокорларнинг буюртмаларини ўз вақтида бажармоқдалар.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг минглаб ишчилари меҳнатда ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Бугунги кунда 344 дан ортиқ ишчи беш йиллик шахсий нормасини бажариб қўйиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Бекобод цемент комбинатининг машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фармонов, Ғазалкент тош майдалаш комбинатининг бригадири Усмонов, Кувасой цемент комбинатининг ишчиси Яхёева, Оҳангарон сопол буюмлар комбинатининг ишчиси Сафаралиев, Тошкентдаги 5-ғишт заводлари бошқармасининг Ленин орденли ишчиси Цельгородцева ва бошқа ўнлаб шу куннинг қаҳрамонларидан кўпчилик ибрат олмоқда.

Ҳозир министрлик корхоналарининг коллективлари белгиловчи йил социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажариш учун мусобақани кучайтирмоқдалар. Баъзи бинокорлик материалларининг етишмовчилигига барҳам бериш ва қурилиш ташкилотларининг буюртмаларини ҳамиша ўз вақтида адо этиш тадбирларини кўрмоқдамиз.



Жиззах областининг Октябрь районидаги Юлиус Фучик номли совхозда кузги шудгор ниҳоясига етиазилмоқда. Суратда: бош агроном М. Ибодов (чапда) ва 1-бўлим бошлиғи С. Абдукаримов; чапдаги суратда шудгор пайти тасвирланган.

Ж. Тўраев фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ЯХШИЛАНДИ

Самарқанд районидаги 30-ўрта мактаб ўқувчиси М. Мавлоновнинг редакцияга йўллаган хатида «Ленинобод» колхози болалар боғчасига кичкинтойларни жалб қилиш қониқарсиз аҳволда экانлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар кўрсатилган эди.

Район халқ маорифи бўлимидан олинган жавобда таъкидланишича, текширишда ҳатда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Болалар боғчаси ремонт қилинган. Қўшимча кроватлар, ўйинчоқлар сотиб олинган. Ҳозир боғчада болалар сони ортиб бораяпти.

«КИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛЯПСИЗ?»

Газетамизнинг шу йил 11 август сонида босилган ана шу сарлавҳали мақола юзасидан Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетидан қуйидаги жавоб олинди:

Мақола район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Гражданларнинг шикоят ва аризаларига расмиятчилик билан муносабатда бўлгани ва «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига юзаки жавоб бергани учун район уй-жойлар бошқармасининг бошлиғи С. Р. Бобожоновга виговор эълон қилинди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари В. П. Соломко меҳнаткашларнинг аризаларига юзаки муносабатда бўлгани ва редакцияга юбориш учун Бобожонов тайёрлаган жавобга масъулиятсизлик билан қол қўйиб юборгани кўрсатиб ўтилди. Район партия комитети бюросининг бу ҳақдаги қарорини барча бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш топширилди.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Фарғоналик газетхон редакциямизга йўллаган хатида Фарғона район ички ишлар бўлимининг ходими А. Ҳасановнинг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ёзган эди.

Фарғона область ички ишлар бошқармасидан хабар қилишларича ушбу хат юзасидан текшириш ўтказганда унда келтирилган фактлар асосан тасдиқланган ва милиция капитани А. Ҳасанов қилмишига яраша жазоланиб, ички ишлар органидан четлатилган.

ОТА ЎҒЛИ

ЛАВҲА

Мамлакат учун оғир синов бўлган йиллар. Республика президенти Йўлдош Охунбобоев қишлоқларда, завод-фабрикаларда бўлиб, меҳнат қаҳрамонликлари кўрсатаётган зарбдорларни янги марралар сари чорларди. Кунни кун, тунни тун демай ўлка бўйлаб, меҳнаткаш халқ билан кезар, социализмнинг муҳташам биносини тезроқ тиклашдек шарафли ишга оммани бошларди. Сафардан қайтган кезларида дўндиккина, шўх ўғилчасини эркалатар экан: сизлар фаровон замонда яшайсизлар, ҳозирги кунлардаги машаққатли меҳнат келгуси авлод учун бахтли ҳаёт беради, деб кўярди. Дилкаш, хушчақчақ Ота оилада каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам кўнглини кўтариб, чоғ этишга улгурарди. Шунинг учун бўлса керак жажжи Каримберди улғайган сари ота йўлига кўз тутадиган, унинг сўзларини жон-қулоғи билан тинглайдиган бўлди.

Йиллар ўтиб, жажжи Каримберди улғайди, вояга етди. Ҳозир у Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз раиси. Раис бўлганда ҳам аввало Ота ўғли деган шарафли номга муносиб раҳбар. Мана, ўн йилдирки, у йирик хўжаликни бошқармоқда. Ана шу йиллар давомида биринчи галда отаси, қоловерса, деҳқончиликнинг пири деган табаррук номга мушарраф бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Солижон Охунбобоев, Тошпўлат Тўхтаназаровлардан олган бой тажрибасини хўжаликни комплекс ривожлантириш ишига сарфлаяпти. Колхозда пахтачиликни беш қўлдек биладиган Ҳайдар Усаров, Ҳошим Шокиров, Йўлдош Ғожибоев, Абдулҳай Юсупов каби деҳқон фарзандлари борки, правление раиси ҳар жабҳада уларга суянади.

Писсоқ чўли ўрнида жамол очган Солижонободда бўлган киши унинг якин вақтларда «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган» чўл бўлганига ҳеч ҳам ишонгиси келмайди. Чўлқуварлар далалардан хирмон-хирмон «оқ олтин», полизлардан тилими тилни тилим-тилим қиладиган қовунлар, ишкомлардан эса ғужуми болга тўла ширин-шакар узумлар йиғиб олишмоқда. Чўлда ташкил этилган бой-ғоялар ҳозирги кунда қариб 28 гектар майдонни эгаллайди.

Бўз ва чўл ерлар қудратли техника кўмагида ишга солинмоқда. Об-ҳаёт чиқарилган ҳар қарич ер мўл-кўл пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берадиган манбага айланмоқда. Янги ерлар ҳисобига алмашлаб экиш, чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш истиқболлари очилди. Сўнгги 14 йил давомида 600 гектардан зиёд майдон янгидан ўзлаштирилиб, боғ-бўстонларга айлантирилди. Буларнинг ҳаммасида Каримберди Бош-қош бўлди. Отанинг насиҳатларини дастуруламал қилиб иш кўрди.

Хўжаликда сўнгги йилларда дала ишларини механизациялаш сари дадил одим ташланди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 9 далани алмашлаб экиш амалга оширилянти. 1974 йилда 3090 гектар майдоннинг 2419 гектарига пахта, 317 гектарига беда экилди. 392 гектар майдонда эса, сабзавот, полиз, маккажўхори, арпа ва шоли каби экинлар парвариш қилинди. Алмашлаб экишнинг илмий асосда ташкил этилиши қимматли самаралар бераяпти.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун курашда қишлоқ хўжалик машиналари деҳқонга мададкор бўлмоқда. Сўнгги йилларда йиғим-терим ишлари асосан механизация зиммасига юклатиляпти. Шунинг учун ҳам бу йил хўжалик ўз тарихида эришмаган юксак зафарларга қисқа муддатда мушарраф бўлди. Давлатга 9000 тоннадан зиёд пахта сотилди. Халқ хўжалик плани 142 процент қилиб бажарилди. Беш йиллик план тўрт йилда адо этилди. Ҳар гектар ердан 36 центнердан «оқ олтин» териб олинди.

Кейинги йилларда чорвачилик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Колхоз коммунистлари Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV Пленуми қарорларини бажара бориб, ана шу муҳим тармоқни ривожлантиришга ёрдам берадиган қўшимча имкониятларни кидириб топмоқдалар. Уз вақтида чорванинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш, фермадаги барча ишларни механизация зиммасига юклаш натижасида рентабелликка эришиляпти, чорва туёғи ортяпти, зоти яхшиланяпти. Хўжалик чорвадорлари социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга 125 тонна бўрдоқи гўшти топшириб, йиллик планни 19 январдаёқ ўринлатиб қўйишган эди. Сут булоғи соҳибалари эса 550 тонна маҳсулот топшириб, республика тўйига муносиб тўёна тайёрлашди. Ҳар бош сигир ҳисобига соғиб олинган сут пландаги 2390 ўрнига 3000 килограммданга тўғри келди. Тухум ва жун етиштиришда ҳам катта марралар эгалланди.

— Ишнинг кўзини билиб қилинган ижодий меҳнат хўжаликка катта даромад келтиряпти, — дейди бош бухгалтер ўртоқ Ш. Аҳмедов. — Ўтган йили барча тармоқлар бўйича 4 миллион 813 минг 713 сўм даромад олдик. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 111 сўмданни ташкил этди. Хўжалик 736 минг 144 сўм соф даромад килди. Шундан 228 минг сўм маблағ маданий-маиший мақсадлар учун ажратилди. Бу йил 5 миллион сўмдан зиёд даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Колхоз территорияси ободонлашиб, кун сайин гўзаллашиб бораётир. Барча йўллар асфальт ланган, текис ва равон, 6 мактабда меҳнаткашларнинг фарзандлари билим олаётир.

Оташқалб коммунист, тадбиркор ва жонкуяр раҳбар Каримберди Охунбобоев отасининг «ҳалол тур, халол юр, меҳнатни асойдил кил — мен шундай килиб барака топдим», деган васиятини фаолиятининг асосий шиори деб билади.

А. РУЗИЕВ,
А. МУСАЕВ.

Қуш хабарлар

ХОРАЗМ. Область ремонт қурилиш бошқармаси коллективлари 4 миллион 625 минг сўмлик иш бажариб, белгиловчи йил маррасига етдилар. Эришилган ютуққа 62, 97, 154, 163-ремонт қурилиш участкалари коллективлари катта ҳисса қўшдилар. Бошқарма коллективи йилнинг қолган даври ичида яна 400 минг сўмлик ремонт-қурилиш ишлари бажаришга сўз беришди.

А. ЭШМАТОВ.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз йўл ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи социалистик мусобақа асосида ишлаб, йиллик топшириқларини барвакт адо этди. Белгиловчи йилда 850 минг сўмлик иш бажарган йўлсозлар йил охиригача яна 75 минг сўмлик пудрат ишлари амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Э. МАДАМОВ.

* * *

НАМАНГАН. Шаҳардаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатида нитрон билан вискозанинг аралашмасидан СССРда биринчи марта костюмбоп газлама ишлаб чиқарилди. Людмила Ҳатенова ва Зина Степаннеевич сингари тўқувчилар дастлабки 380 метр костюмбол янги хил газламани тўқиш шарафига муяссар бўлдилар. Газлама ҳозир лабораторияда синовдан ўтяпти.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

* * *

ФАРҒОНА. Водийнинг кенжа ва гўзал шаҳарларидан бири — Ҳамзада минерал суви тамёрлайдиган корхона қурилишига киришилди. Корхона келажакда аҳолига ҳар йили 9 миллион шиша минерал сув етказиб беради. Қурилишни республика Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли бинокорлик бошқармаси бунёдкорлари олиб бормоқда.

Т. ҲОЖИАКБАРОВ,
К. МАДУМАРОВ.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Иқтисодий билимлар—оммага!

КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни яхшилаш тўғрисидаги қарори асосида иш олиб бораётган Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик раҳбар кадрлари ва мутахассисларнинг иқтисодий ўқувини намунали ташкил қилишда бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар. Агар 1972—1973 ўқув йилида иқтисодий таълим мактабларида 200 минг киши таълим олган бўлса, 1973—1974 ўқув йилида 300 мингга якин киши ўзининг иқтисодий билимини оширди.

Андижон областининг колхоз ва совхозларида аҳолига иқтисодий билим бериш яхши ташкил этилган. Бу областда ўкиш бир вактда бошланди. 1552 та тўгаракда 39690 киши ўқиди. Бу 1973 йилдагига нисбатан 1.5 баравар кўп демакдир. Пропагандистларнинг состави район партия комитетларининг бюро мажлисларида кўриб чиқилди. 1815 пропагандист қиска муддатли семинарларда ўқитилди. Ҳар бир мактабга икки нафардан пропагандист тасдикланди. Сўнгги икки йил мобайнида аҳолининг қариб 80 процентн иқтисодий билимини оширишга муяссар бўлди.

Область колхоз ва совхозларида аҳолига иқтисодий билим беришни ривожлантиришда 132 та кабинет ишлаб турибди. Бу кабинетлар область ва ҳўжаликларнинг тўккизинчи беш йиллик кўрсаткичларини билдирувчи диаграммалар, схемалар, жадваллар ва бошка ўқув-ўқитув қуроллари билан жихозланган. Кўпчилик ишлаб чиқариш бригада, чорвачилик фермаларида ва бўлимларида иқтисодий билим бурчаклари ташкил этилди. Иқтисодий билим мактабларига якиндан методик ва ташкилий ёрдам кўрсатиш учун область кишлок хўжалик бошкармаси кошида ҳамма район кишлок хўжалик бошкармалари ҳузурида мутахассислар, тажрибали раҳбарлар ва ишлаб чиқариш илғорларидан иборат совет тузилди. Совет аъзолари тез-тез жойларда бўлиб, пропагандистлар фаолиятини ҳам кузатиб турадилар.

Кишлок хўжалик мутахассислари, колхозчи ва совхоз ишчилари иқтисодий билимининг оширилиши хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини анча кўтарди. Натижада бу область республикада машъал область бўлиб, кишлок хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамме тармоклари бўйича 1973 йилда юкори кўрсаткичларга эришди, биргина пахта хосилдорлиги 1973 йилда 1970 йилдагига нисбатан гектаридан 6,2 центнерга кўпайди, пахтани машинада териш эса 17 процентга ортди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу муҳим масалага етарли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Чунончи, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент области ва Корақалпоғистон Автоном Республикаси хўжаликларининг айрим раҳбарлари иқтисодий ўқишнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар. Улар меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувини ҳамда партиямиз сиёсатини тушунтириш ишларини программа асосида олиб бормаяптилар.

Якинда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш тўғрисида»ги карорини Ўзбекистон ССР Кишлок хўжалик министрлиги томонидан қандай бажарилаётганлигини кўриб чикиб, иқтисодий ўқувнинг самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни кўрсатиб берди.

Ўзбекистон ССР Кишлок хўжалик министрлигининг кенгайтирилган коллегия мажлисида бу масала чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди. Аҳолига иқтисодий билим бериш формализмга йўл қўйиб, ўқув йилини икки ҳафтада тугаллаб юборган Бухоро область кишлок хўжалик органларининг раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди, шунингдек, камчиликларни бартараф қилиш қишлок хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси эканлиги уқтириб ўтилди.

Иккинчи ўқув йили ҳам тугалланди. Ўқув йили якунлари шуни кўрсатадики, аксарият кишлок хўжалик органлари раҳбарлари танкиддан ўзларига тўғри хулосе чиқариб олганлар ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга қатъий киришганлар.

Кишлок хўжалик органларининг галдаги вазифаси якинлашаётган янги 1974—1975 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришдан иборат бўлмоғи лозим. Бунинг учун биринчидан, иқтисодий билим мактабларида бир йил ва икки йил таълим олганларни, шунингдек, турли сабабларга кўра мутлоқ ўқишга қатнашмаганларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб, уларни группаларга ажратиш лозим.

Пропагандистлар составини қайта кўриб чикиб, уларнинг сафларини энг яхши мутахассислар ҳисобига тўлдириш зарур. Шундай қилиш керакки, ҳар бир группага иккитадан пропагандист тўғри келсин. Пропагандистликка илмий-текшириш муассасалари ходимларини олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари раҳбарларини, шунингдек, ишлаб чиқариш илғорларини, кишлок хўжалик мутахассисларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Пропагандистларнинг деярли ҳаммаси областларда, шунингдек, кишлок хўжалик олий ўқув юртларида ташкил қилинган ўн кунлик семинарларда ўқитиб чиқарилиши зарур.

Ўқув хоналари олдиндан белгиланиб, улар тегишли асбоб-анжомлар, ўқув-ўқитув ва кўргазмали куроллар билан жиҳозланиши керак.

Колхозчи ва совхоз ишчиларига иқтисодий билим беришда биргина лекция ўқишнинг ўзи камлик қилади. Улар билан агро-зоотехника кабинетларида, ремонт устаҳоналарида, фермаларда, дам олиш жойларида тежамкорликнинг турли усуллари ҳақида конкрет мисоллар ва кўргазмали куроллар асосида суҳбатлар ўтказиб турсалар тўғри қилган бўладилар.

Шунга эришиш керакки, ҳар бир хўжалик, ишлаб чиқариш бригадаси, чорвачилик фермаси ва бўлим кишлок хўжалик ишлаб чиқаришида кам меҳнат сарфлаб, кўп ва арзон маҳсулот оладиган бўлсин. Ҳар бир ишловчи вактни, ёқилғи ва техника қисмларини, уруғлик ва минерал ўғитларни, химикат ва бошка маблағларни тежаб ишлатадиган бўлсин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев: «Иқтисодий қонунларни гўё фақат улкан олимлар ва раҳбарлар яратадилар, деб ўйлаш хато бўлур эди. Бу қонунлар, агар улар тўғри тушунилса, фақат маъмуриятчини, инженер, олим, техниконнингина эмас, балки ҳар бир оддий ишчи, колхозчининг ҳам мантиқий хулк-атворини белгилаб беради» деган эди. Меҳнаткашлар иқтисодий қонунларнинг моҳияти ва улардан фойдаланиш йўлларини канчалик яхши билсалар, социалистик хўжалик, унинг ҳамма бўғинларида шунчалик малакали иш юритадилар. Ўз навбатида экономика ҳам коммунизм йўлидан шунчалик муваффакиятли ривожланади.

М. ҲИДОЯТОВ,
Узбекистон ССР Кишлок хўжалик министрлиги кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш бошқармасининг бошлиғи.

Кичкинтойлар ҳақида ғамхўрлик—бутун жамоатчилик иши

ҲАЁТ ГУЛЛАРИ

Илгари Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда битгина болалар боғчаси бор эди. Бу боғча хўжаликнинг «Узбекистон ССР 10 йиллиги» участкасида жойлашган бўлиб унда асосан тўртта пахтачилик ҳамда битта боғдорчилик бригадаси меҳнаткашларининг фарзандлари тарбияланар эди.

1971 йилга келиб колхознинг марказий участкасида тўксон ўринли янги боғча қад кўтарди. Бу боғча биносини унинг атрофидаги дарахтзорларни кўриб кишининг хаваси келади. Боғча ховлиси кенг ҳоналари ёруғ ва шинам. Бу ором ҳоҳ хўжаликнинг яна бешта бригадаси меҳнаткашларининг фарзандларини ўз кучоғига олди.

Бу йил колхоз правлениеси ва партия ташкилоти кичкинтойларга яна бир ажойиб — 95 ўринли янги боғча ҳадя этди. У тўртта бригадани ўз ичига олган хўжаликнинг биринчи участкасида қад кўтарди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти болалар боғчаларидаги кундалик ахволдан хабардор бўлиб турадилар. Кичкинтойлар кунига уч маҳал овкатлантирилади. Колхозда етиштириладиган мева-чеваларнинг ҳам, сут-қатиқ ва бошқа маҳсулотларнинг ҳам энг ширини, энг қаймоғи кичкинтойларники.

Бир колхозда учта боғча! Бу чиндан ҳам тахсинга лойиқ, ажойиб иш. Бу колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг меҳнаткашларга уларнинг фарзандларига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёркин далилидир.

Биз келтирган бу мисол Сирдарё районидаги хўжаликлари орасида ягона, тасодифий бир ҳол эмас. Районда боғчалар қуриш, уларнинг ишларини яхшилаш масаласига жиддий эътибор бериб келиняпти. Айниқса, сўнгги йилларда бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ҳажми янада кенгайтирилди. Район партия комитети шу йилнинг ўзидагина боғчалар қурилиши, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш замонавий усулда жиҳозлаш таълим-тарбия ишлари савиясини ошириш каби масалаларни ўз бюро мажлисларида тўрт маротаба муҳокама қилди. «Коммунизм» колхозида райкомнинг кўчма бюроси ўтказилиб, унда боғчалардаги таълим-тарбия ишларининг аҳволи ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Район партия комитети «Малик» совхозида болалар боғчалари мудираларининг намунавий семинарини ўтказди.

Районда 25 та болалар боғчаси бор. Сўнгги уч-тўрт йил давомида райондаги колхоз, совхозларда 12 та янги боғча қурилди. Фақат шу йилнинг ўзидагина жами беш юздан ортиқ ўринга эга бўлган тўртта боғча қуриб битказилди. Шу ўринда яна бир мисол. Беш йиллик план бўйича район хўжаликларида жами 910 ўринли болалар боғчаси қурилиши лозим эди. Белгиланган бу план ҳозирнинг ўзидаёқ икки баробарга етказиб қўйилди. Келгуси йилда эса яна «Узбекистон», «Ленинград» Ленин номли колхозларда қурилаётган боғчалар ҳам ишга туширилади. Бу ҳақиқий ташаббускорларнинг, ҳақиқий эл-юрт жонкуярларининг ишидир.

Райком секретари Танзила Оллобергановнинг ҳикоя қилишича, деярли барча боғчаларга олий ҳамда ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар раҳбарлик қилишмоқда. Уларда хизмат қилаётган етмишдан ортиқ мураббийнинг деярли ҳаммаси мактабгача тарбия педагогика билим юртини тугатиб чиқишган қиз-жувонлардир. Таълим-тарбия ишлари пухта тузилган методик план асосида олиб борилади. Райондаги ҳар бир боғчага тажрибали мактаб ўқитувчилари, малакали мутахассислар бириктиб қўйилган.

Ишлаб чиқаришда тер тўкиб фидокорона меҳнат қилаётган ота-оналарнинг кўнгиллари тўқ. Негаки, уларнинг жажжи ўғил-қизлари замонавий боғчаларда яйраб-яшнаб таълим олмоқдалар, ўсиб улғаймоқдалар. Ота-оналар ўз фарзандларига ана шундай шароитларни яратиб берган партия ва ҳукуматимизга чин қалбдан раҳматлар айтмоқдалар.

Сирдарё район партия комитети ва район ижроия комитети, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини кичкинтойларга ғамхўрлик кўрсатиш йўлида олиб бораётган ишларини Сирдарё областидаги бошқа районларга ибрат килиб кўрсатса арзийди.

А. УМАРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Деҳкон бўлсанг шудгор кил!

Республика областларида 1975 йил ҳосили учун шудгорнинг бориши тўғрисида шу йил 7 декабрга бўлган маълумот

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — шудгор қилинган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида

ХОРАЗМ	15,1	151,0
АНДИЖОН	194,1	110,9
ТОШКЕНТ	218,2	100,1
Сирдарё	156,2	95,8
Жиззах	134,8	93,0
Самарқанд	200,1	87,0
Наманган	114,2	82,2
ҚҚ АССР	40,2	71,8
Қашқадарё	111,2	67,8
Бухоро	115,9	62,3
Фарғона	82,8	58,3
Сурхондарё	64,1	43,0
Республика бўйича:	1446,9	81,4

Янгиликлар Воқеалар Фактлар

ЯНГИЛИК

АНДИЖОН СУВИ

Советобод шаҳрида Фозилмон деган булоқ бор. Унинг суви ширин, Фарғона минерал сувидан қолишмайди. Андижон пиво заводи коллективи Фозилмон чашмасидан минерал сув тайёрлай бошлади. Унга «Андижон минерал суви» деб ном берилди. Бугунгача тайёрланган минерал сув 64 минг шишадан ошиб кетди.

Заводда минерал сув тайёрлайдиган алоҳида цех қурилмоқда. Цехга керакли барча жиҳозлар келтириб қўйилди. Барча ишлар деярли автоматлар ёрдамида бажарилади. Сувни газлаштирувчи, совутувчи махсус қурилмалар бўлади. Янги цех 1975 йилнинг биринчи квартали охирида тўла ишга тушади. Бир йилда 5 миллион шиша минерал сув тайёрлаш кўзда тутиляпти.

«ДЎСТЛИК» САВДО МАРКАЗИ

Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғида «Дўстлик» деб аталган икки қаватли савдо маркази фойдаланиш учун қабул қилинди. 720 квадрат метр келадиган савдо залига моллар қулай жойлаштирилган. Биринчи қаватда галантерия ва парфюмерия секциялари бор, идиш-товоқ, совға буюмлар билан савдо қилинади, иккинчи қаватда эса тикилган буюмлар, пойафзал, газлама, тайёр кийимлар сотилади. Материалларни бичиш бўлими, буюртмалар столи харидорлар учун хизмат қилади. Бутун инвентарни Тошкентдаги «Ўзбекбирлашув» савдо ускуналари заводи тайёрлаган.

Бу — Ўзбекистондаги йигирма иккинчи қишлоқ савдо марказидир. Булардан энг каттаси Фарғона областидаги Риштон районида қурилган бўлиб, у 840 квадрат метр келади. Барча савдо комплекслари ўз-ўзига хизмат қилиш усулида ишлайди. Одатда, бу комплекслар саноат моллари сотадиган магазинларга ва гастрономларга эга, бу ерда кафе, дам олиш хонаси бор. Қишлоқларда матлубот кооперациясининг 200 та универмаглари ҳам ишлаб турибди. Бу йил 15 та янги универмаг ишга туширилади.

(ЎзТАГ).

Андижон областида

ҚУЛАЙЛИК

МЕҲНАТКАШЛАР МАМНУН

Областда яна бир корхона барпо этилди. Уни область маиший ремонт қурилиши бошқармаси бинокорлари тиклашди. Бу ерда ихтисослаштирилган маиший хизмат кўрсатиш корхонаси иш бошлади. Корхона бошқармага қарашли ремонт-қурилиш участкалари учун ҳар хил деталлар ва аҳолига мебеллар тайёрлаб беради. Кенг ва ёруғ ишлаб чиқариш корпуслари, ёғоч арралаш цехи, қуритиш камераси мавжуд. Ёғочни қайта ишлаш дастгоҳлари, пресслар, ёрдамчи мосламалар ўрнатилди.

Янги корхона аҳолига йилига 650 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатади. Кейинчалик бу рақам 1 миллион 300 минг сўмга етади. Корхона тўлиқ ишга туширилгач, бошқармага қарашли майда дурадгорлик ва мебель тайёрлаш цехлари марказлаштирилади. Бу — областда аҳолининг якка буюртмалар асосида бажарилаётган уй-жой қуриш, ва мебель тайёрлаш ишларини анча тезлатиш имконини беради.

БУНИСИ ҚИЗИҚ

«ПЕНСИЯ»ГА ЧИҚҚАН ПАРОВОЗ

Моҳир машинист Владимир Самойлов билан ёрдамчи машинист Сергей Ашуров бошқарган ЭР—762-40 номерли паровознинг ўти ўчирилиб, «пенсия»га узатилди. Бу, Андижон локомотив депосида қарийб 75 йилдан буён меҳнаткашларнинг узоғини яқин қилиб келган сўнгги паровоздир. Узоқ йиллар давомида элга хизмат қилиб ўз вазифасини ўтаган техниканинг ишини энди тоза ва покиза, кучли тепловозлар адо этмоқда.

ИШГА ТАКЛИФ

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Шаҳарда аҳолини ишга таклиф қилиш ва жойлаштириш бюроси тузилганига уч йилдан ошди. Тажриба тариқасида ташкил этилган бу идора ўзини оқлади ва давлат муассасалари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Унинг беминнат хизматидан фойдаланувчилар сафи кенгайди. Уч йилда бюрога 23,5 минг киши мурожаат қилди. 22,5 минг кишига турли корхона ва ташкилотларга бориб ишлаш учун йўлланма берилди. 18 минг киши эса ишга жойлаштирилди.

Аҳолига ҳолис хизмат қиладиган бу идора ходимлари юздан ортиқ корхона ва ташкилот билан ўзаро шартнома тузиб, уларни ишчи кучи билан таъминлашни ўз зиммаларига олдилар.

АНЪАНАЛАР

ЧЎЛДА БИРИНЧИ ТЎЙ

Марказий Фарғона чўлида жойлашган Комсомолобод районидаги «Ленин 100 йиллиги» совхозида биринчи никоҳ тўйи бўлди. Тўй янгича ўтказилди. Келин—Ойтожихон Иброҳимова совхозда кадрлар бўлими бошлиғи, куёв—Латифжон Мамадалиев бинокор. Уларнинг муҳаббатлари меҳнатда қадр топиб, синовдан ўтди.

Совхоз маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бундан кейинги барча никоҳ тўйларини ана шундай янгича тарзда, тантанавор ўтказишга қарор қилдилар. Биринчи тўй базмида келин-куёвга яқинда қурилган тўрт хонали уйнинг калити топширилди. Бахтиёрлар янги уйда янги ҳаёт бошладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕПАЛИК СИРЛАРИ

- АРХЕОЛОГИК НОЕБ ТОПИЛМАЛАР
- КУШОНЛАР — МОҲИР ГИДРОТЕХНИКЛАР
- РИМ ВОДОПРОВОДИГА ТЕНГДОШ
- УТМИШИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ
- ФАЁЗ ТЕПАДАГИ ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бундан икки минг йил аввал ҳозирги Ўрта Осиё территориясида яшаган кушонлар моҳир гидротехник бўлишган. Термиз яқинидаги Фаёз тепада кушонлар даври осор атиқаларини ўрганаётган археологик отряд раҳбари тарих фанлари кандидати Л. И. Албаумнинг тадқиқотлари шуни тасдиқлайди.

Олимлар қазишмалар чоғида шуни аниқладиларки, бу ерда йил ҳисобимизнинг 1—3 асрларида катта будда ибодатхоналари комплекси бўлган Фаёз тепадан топилган Будданинг рангли буёқлар билан ишланган расмлари ва ҳайкаллари, қадимги тангалар, банди турли ҳайвонот шаклида ясалган сопол идишлар, Бақтрия ва ҳинд хати билан туширилган лавҳалар шундан далолат беради. Бу ерда Будда ибодатхоналарига хос — Будда динига алоқадор осор атиқалар сақланадиган жой ҳам бўлган.

Лекин бинонинг ўзи алоҳида эътиборга сазовордир, унинг сақланиб қолган деворлари комплекс архитектураси ва тарихи тўғрисида яққол тасаввур беради. Комплекс турли аҳамиятдаги 30 тадан зиёд хоналардан иборат бўлган. Археологлар шу хоналарнинг умумий ҳажми ҳозирги 9 қаватли бино ҳажмига тахминан баравар демоқдалар. Комплекс анча тез қурилганлиги ҳам аниқланди. Бинобарин, бирданига жуда кўп хом ғишт қуйиш ва пахса деворлар кўтариш керак бўлган. Девор лойи сал наридан олинган. Суви-чи?

Мана шу масалада олим бу ерда ўша замонларда катта қувур ариқ бўлиши керак деган фикрга келди. Бу қадар кўп сувни бир ярим километр наридан оқувчи Аму дарёдангина олиш мумкин эди. Шундай қилиб, тахмин тўғри чиқди: Фаёз тепадан сал нарида қадимги дамба қолдиқлари топилди. Бир вақтлар қувур ариқ мана шу ердан ётқизиб келтирилган. Чунончи, ибодатхона комплексининг марказий хонасида ана шу қувур синиқлари ва чоғроқ бир тош ҳовуз топилди.

Олимлар келаси йили қувур ариқни янада синчиклаб ўрганишни давом эттирадилар.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ.
(ЎзТАГ мухбири).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.20 — Мультфильм. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — Отаоналар университети. 18.45 — **«Ахборот».** 19.00 — **Экран ҳандаси.** 19.40 — **«Ахборот».** 20.00 — **Марҳабо, талантлар.** Самарқанд области ҳаваскорларининг чиқиши. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Фигурали учиш бўйича** халқаро мусобақа. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.05 — МОСКВА. 19.15 — Янгиликлар. 19.20 — Музикали кўрсатув. 21.10 — Телеспектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — **Алишер Навоий** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.10 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/XII да **Золушка** (кундузи), **Флория Тоска** (кечқурун), 10/XII да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XII да **Чақмоқ** (кундузи), **Шоҳ Эдип** (кечқурун). 10/XII да **Қароқчилар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XII да **Хотинимнинг эри,** 9/XII да **Ҳижрон,** 10/XII да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XII да **Ташвишланманг, онажон** (12.00).

КИНО

Есения — НАВОИЙ номли САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОГИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00; 13.30, 16.00, 18.30, 19.30).

Софил — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОГИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00), «ДРУЖБА» (10.20, 14.00, 15.30, 17.00, 21.00).

Шаҳсий ҳаёт — «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).







«Ўрта Осиё — Марказ газопроводи». Бу сўзлар мамлакатимиздаги барча кишиларга таниш. Республикамиз «зангори олови» бепоён мамлакатимизнинг кўп жойларига етиб борган. Суратларда: компрессор участкаси, станциянинг турбокомпрессор цехи ва оператор Т. Дуюнова иш устида.

В. Таран фотолари.

АХЛОҚ ВА ОДОБ

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Ўзаро муомала ҳам, иш унуми ҳам. Эрталабдан чеҳрангда табассум ўйнаса, кечгача у мисоли қўёшдай ҳаммага нур таратиб турaверади.

— Кунингиз хайрли ўтсин, — деб кузатамиз манзилига етган йўловчиларни. Ҳар қайсисининг юзида ним табассум, тушиб кетишади. Шу бир калима сўздан олам гулистон. Ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам хурсанд. Биз ҳайдовчилар эл хизматкори. Вазифамиз — йўловчиларни манзилига ўз вақтида, бехатаргина эмас, балки яхши кайфият ва ишга илҳоми билан кузатиб қўйиш.

Уз навбатида йўловчининг ҳам вазифаси бор. Лекин... Кимдир чекиб турган папиросини вагонга ташлаб, устидан эзғилаб қўяди, кимдир билет олмайди, жарима тўлашга ҳам бўйни ёр бермай, «қуён» бўлади... Ўриндиқда ўтирган ёш йигит-қизларнинг ёнида тик туриб кетаётган қексалар, болали аёлларни кўриб кайфиятинг бузилади. Тартибга чақирсанг, кўрслик қилиб, баттар асабни таранг қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Смена топширишдан олдин вагонларга бир назар соламан. Эрталаб чиннидек бўлган вагонлар писта пўчоғидан тортиб, турли қоғозлар билан ивирсиб ётади. Тишлаб ташланган сомсаю-нон бурдаларини айтмайсизми?! Бу ахир, нонкўрлик эмасми? Биз тенгилар урушни кўрганмиз, очарчилик йилларининг гувоҳи бўлганмиз. Шундай тўқчилик замонни орзулаб яшаганмиз. Нене ота-буваларимиз бугунги тўкин ҳаётни орзулаб, унинг учун курашиб ўтиб кетдилар. Уларнинг пок хотиралари ҳаққи-ҳурмати тўқчиликни оёқ ости қилмасак, давлат буюмлари, ашёларини кўз корачиғидек авайласак дейман. Ахир, улар сизу, бизники, биз учун хизмат қилади. Бу фактларни, албатта, ҳамма йўловчиларга дахлдор демоқчи эмасман. Ўз уст-бошини, уй-жойини эъзозлагани каби, ўтирган жойига гард юқтирмайдиган, муомалани қийиб кўядиган йўловчилар озмунчами?! Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт трамвай ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Не-не одамлар билан ҳамсуҳбат бўлмадим. Назаримда, одамларнинг юриш-туриши, муомаласи, кийинишига қараб даврга баҳо берса, киши янглишмайдигандай. Ҳеч қачон одамлар ҳозиргидек башанг кийинишмаган, яхши яшашмаган. Бугун биров тўй қилиб келин туширгачидан, бошқаси тантана билан пенсияга узатилгандан хурсанд сўзлайди. Яна бири қизини олий ўқув юрти имтиҳонларини аъло баҳога топширгани билан фахрланади. Йўловчиларнинг ўзаро суҳбати ҳам, ширин ташвиши ҳам замонасига яраша. Ҳа, одамлари замонасига, замонаси одамларига ярашган ажойиб бир даврда яшаётир.

Тунов куни трамвай ичи бирдан ола-ғовур бўлиб қолди. Икки ўспирин бир-бирини чўқиб олгудек чақчайишиб турибди. Оғзидан чиқаётган беандиша гапларга туриб бўлмайди. Атрофда ёшлар, кексалар. «Ҳой, йигитлар, бас қилинглар», деб танбех берадиган қани бирорта мард топилса?! Ёки гуноҳсизни ҳимоя қилиб, айбдорнинг «танобини тортиб» қўйса. Баъзилар ҳатто юзларини тескари қилиб, жанжални кўрмаганликка, эшитмаганликка олишяпти. Шу ҳам инсофданми?! Жамиятда яшаб туриб, шу жамият, унинг одамлари манфаатидан нари, «туя кўрдингми, йўқ» зайилида яшайдиган кимсалар бугунги ҳаётимизга мутлақо ёт эмасми?! Айбдорни жойида яхшилаб танбеҳини бериш керакки, у иккинчи бор бировни хафа қилишга бошқа журъат этолмасин. Йўловчилар бир-бирларининг ахлоқ-одобини назорат қилиб туришлари, кези келганда бир-бирига тарбиячи бўлиши керак. Бу йўловчининг ҳам инсоний, ҳам жамият олдидаги бурчи. Шунда ва фақат шунда турмушимизда онда-сонда бўлса-да учраб турадиган хунук иллатлар ўз-ўзидан йўқолиб боради. Албатта, бундай жузъий фактлар йўловчиларнинг умумий савиясини, маданиятини белгилайди, деган гап эмас.

Шоли қурмаксиз бўлмаганидек, биз йўл ходимлари — ҳайдовчилар, кондукторлар орасида ҳам йўловчиларга одоблан ташқари муомала қилиш қоллари бўлиб туради. Яқинда шундай бир воқеа содир бўлди. Ярим тун. Трамвайда бир йигитни қалтаклашиб, оғир аҳволда ташлаб кетишади. Ҳамма воқеадан воқиф ҳайдовчи ҳам икки—уч бекатдан кейин бояги озор чеккан йигитни тушириб, бир алпозда кўчада қолдириб кетади. Кетма-кет келаётган бошқа трамвай ҳайдовчиси эса инграб ётган ўша йигитни кўриб қолиб, тезда трамвайни тўхтатиб, унга бир амаллаб чиқариб олади-да, «тез ёрдам»га ошиқади... Жиноятчилар ўз жазоларини олдилар, албатта. Лекин бизни бошқа нарса ўйлатиб қўяди. Бир воқеа ва унга икки ҳайдовчининг икки хил муносабати... Яхшиямки ҳаётда яхшилар кўп. Ҳаёт уларнинг пок қалби билан юриб туради. Ҳаёт бешигини ҳамиша яхшилар тебраталарсин.

Олим ТУРСУНОВ,
Тошкентдаги 2-трамвай депоси ҳайдовчиси.

ИВАНОВОДА «ЎЗБЕКИСТОН» СОВХОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОРА ТУПРОҚ БЎЛМАГАН ЗОНАГА

Мирзачўл ва Қарши даштларини, Амударё қуйи қисмларини ўзлаштирувчилар қора тупроқ бўлмаган зона қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Улар янги ерларда мелиорация ва комплекс қурилиш соҳасида бой тажрибага эгадирлар, улар ихтиёрига энг янги техника бериб қўйилган. Ҳозир «Главсредазирсовхозстрой»да Иваново области деҳқонларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Махсус трест ташкил этиш, шунингдек тўрт-беш қурилиш-монтаж поездлари тузиш мўлжалланмоқда. Улар Тошкентда тузилади. Янги саноат базаси қуриш мўлжалланмоқда. «Главсредазирсовхозстрой»нинг кучи ва маблағлари билан Иваново областида «Ўзбекистон» деб аталган намунали сут-сабзавот совхози ташкил этишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ЖАМОАТ ҚУРИГИ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФА

Қишки мавсумда темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ўчасткаларда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳаракатдаги составларнинг бир меъёрда ишлашига эришиш мақсадида магистралларда жамоатчилик қўригини ўтказиш яхши натижалар бермоқда. 1972 ва 1973 йилларда СССР Темир йўллар министрлиги томонидан ўтказилган жамоат қўриклари поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнади. Темир йўлчиларнинг транспорт техникаси ҳолатини яхшилаш соҳасидаги ташаббускорлигини оширди.

Ана шуларни назарда тутиб, Йўллар министрлиги ва темир йўл транспорти ишчилари қасаба союзи Марказий Комитети бу йил қишки мавсумда ҳам шундай қўрикни ўтказишни лозим топди. Жамоат қўриги шу йил 1 ноябрдан бошланди. У келгуси йил 1 апрелигача давом этади.

Қўрик бошланганидан буён бир ойдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу даврда ичида Ўрта Осиё темир йўлининг бошқа коллективларидаги сингари Тошкент бўлимасида ҳам поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ илғор иш усуллари ва ташкилотчилик ишлари кенг қулоч ёйди. Бундай усуллар ва ташаббускорлик ҳаракатлари поездлар ҳаракати билан боғлиқ барча ижрочиларни резервларни ишга солиш, поездларни ўз вақтида рейса тайёрлашга даъват этяпти.

Жамоат қўриги Тошкент бўлинмасининг темир йўлчилари эътиборини поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳали бир қанча ишлар қилиниши лозимлигига ҳам жалб қилди. Бўлинмамиз станциялари юзлаб корхона ва ташкилотларнинг транспортга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Шу билан бирга, қатор корхоналар биз хизмат қиладиган кириш йўлларига ҳам эга бўлиб, уларнинг ҳолатини яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилиши керак. Чунки бундай тармоқ йўллари ўша корхоналар ҳисобида туради. Улардан баъзилари қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. «Ўзбекбирлашув»га қарашли Шумилов станциясидаги темир йўл тармоғи, «Гастроном» базасига хизмат қилувчи Салор станциясидаги йўл ва бошқа баъзи тармоқлар ночор аҳволда. Натижада корхоналарга кираётган ва темир йўл тармоқларида вагонларнинг/ издан чиқиши, йўлларнинг бузилиши, ҳаракатдаги составларнинг иши хавф остида қолиши сингари ҳоллар содир бўляпти.

Бўлинмамиз коллективи қўрик давомида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Қўрикни ўтказишдан мақсад мўқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришдан иборат. Бунга эса ҳаракат хавфсизлигини таъминламасдан эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Темир йўлчилар меҳнатга коммунистик мунсабат намуналарини кўрсатиб, составларнинг бехатар ҳаракат қилишини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Қўрик якунлари келгуси йил 15 апрелгача корхоналарда ва темир йўл бўлинмаларида кўриб чиқилади. Қўрик ғолиблари қаторидан ўрин олиш учун составларнинг бехатар ҳаракат қилишини таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқариш топшириқларини, мўқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш талаб қилинади. Шунингдек ғолибларни аниқлаётганда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришда бракка хотима бериш каби кўрсаткичлар ҳам албатта инобатга олинади. Коллективлар ва алоҳида ходимлар эришилган энг яхши натижалар учун кўрик якунида бўлинма ҳамда темир йўл бошқармасининг, шунингдек алоҳида ибрат кўрсатганлар Йўллар министрлиги ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг мукофотларига тақдим қилинади.

Темир йўлда жамоат қўригини ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадида бўлинма ҳузурида махсус комиссия иш олиб бормоқда. Комиссиянинг қуйи бўлимлари корхоналарда ҳам тузилган. Улар хўжалик раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, мутахассислар, касаба союз ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат. Комиссиялар ўз ишида тепловозлар, ҳаракатдаги составлар, шунингдек, уларнинг алоҳида узел ҳамда деталларидан узоқ муддат фойдаланиш имкониятини берадиган таклифларни тўплаш ва уларни жорий қилишга алоҳида эътибор бераётирлар. Барча коллективларда ҳамда цехларда техника машғулотлари ва лекциялар уюштирилмоқда, илғор тажрибаларни тарғиб қиладиган витриналар ва кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Қўрикни ўтказиш тадбирлари станциялар ва алоҳида корхоналарда техника билан қайта қуроллантириш суръатларини тезлаштириш, янги қувватларни ишга солиш ҳамда ўзлаштириш, резервлардан самарали фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Биз ҳозир иш вақтидан самарали фойдаланиш, ишчилар, инженер-техник ходимлар малакасини ошириш, уларга илғор иш усулларини ўргатиш, меҳнат ҳамда ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш масалаларига ҳар қачонгидан кўпроқ аҳамият бермоқдамиз. Тармоқ корхоналари ишини бошқаришни такомиллаштириш, ҳом ашё, металл, ёнилғи ва электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳам диққат-эътиборимизда.

Темир йўлчилар амалга оширган тадбирлар баъзан масъулиятсиз бир шофернинг ноўрин ҳаракати натижасида барбод бўлиши — темир йўлдан кесиб ўтиладиган жойларда тўқнашув юз бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун биз транспорт билан боғлиқ барча кишиларга мураккаб ва масъулиятли ишда темир йўлчиларга яқиндан ёрдам бериш, ҳаракатдаги составларнинг бехатар ҳаракат қилишини таъминлашда кўмаклашишга даъват этамиз.

Ғ. ЗАҲРИДДИНОВ,
Тошкент темир йўл бўлинмасининг бошлиғи.

ҲОДИСА

ҚЎЛГА ТУШДИ

Янгийўллик Радик Шагвалиевнинг ширин сўзи, яхшигина кийинишини кўрган киши уни сира безорига ўхшатмасди. Ўзига шунчалар зеб берган безори кейинги вақтларда ўғирлик қиладиган ва қизларнинг йўлини тўсадиган бўлиб қолди. Ўзига ўхшаш бир гурух безорилар билан бир қизни зўрлади ва шаҳардан қочиб кетди. Янгийўл район милицияси жиноят қидириув бўлимининг ходимлари Р. Шагвалиевни бир йил изладилар. Уни топишнинг иложи бўлмади. Чунки фамилиясини ўзгартириб яна бир қанча жиноий ишлар қилди. Яқинда Маҳкамов фамилиясида паспорт олиб яшириниб юрган бу безори қўлга туширилди. У энди халқ суди олдида қилмишига яраша жавоб беради.

Б. БАЙХУТОВ,
Милиция младший лейтенанти.

Узбекистон ССР Геология министрлиги гидрогеологик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ (ГИДРОИНГЕО)
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
бўлимлар мудирлари: гидрогеология ва инженерлик-геологик процессларини моделлаштириш, ноосфера гидрогеологияси, гидрогеофизика, инженерлик геодинамикаси, регионал гидрогеологик ва инженерлик-геологик тадқиқотлар, илмий-техник информация, илмий-ташкилий бўлим;
лаборатория мудирлари, катта ва кичик илмий ходимлари: ядро-физик тадқиқотлар, чуқурликдаги сувлар гидрогеохимияси, чуқурликдаги сув горизонтлари гидродинамикаси, аэрометодлар, гидрогеологик карта тузиш ва суратга олиш методикаси, мелиоратив гидрогеология, тупроқ сувлари геохимияси, буфер гидрогеологик процесслар, каренг ва спелеологлар, гидрогеофизик тадқиқотлар, гидрогеологик процессларни математик моделлаштириш, инженерлик-геологик процессларни моделлаштириш, гидрогеологик процессларни физик моделлаштириш, сел манбаалари, гидрогеологик ва инженерлик-геологик тадқиқотларнинг техник воситаларини такомиллаштириш, фойдали қазилма ишларнинг инженерлик геологияси, тог қўллари ва сув омборлари ён бағирларининг мустаҳкамлиги инженерлик-геологик процессларни ўрганиш методикаси ва уларни прогнозлаш;
лабораторияларнинг катта ва кичик илмий ходимлари: ер ости сув ресурслари, ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва уларнинг ер юзаси билан ўзаро алоқаси, ер ости сувлари запасларини сунъий тўлдириш, тог ёнбағирлари динамикаси, регионал гидрогеофизика, қудуқ геофизикаси.
КОНКУРС МУДДАТИ — 1 ЯНВАРГАЧА.
Мурожаат учун адрес: 700041, Тошкент шаҳар-41, Морозов кўчаси, 64-уй.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
1975 йил учун селекция ва уруғчилик мутахассислиги бўйича
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе районы, «Селекционная» алоқа бўлими.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 01980. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 286.